

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
КАФЕДРАСИ**

ОХУНЖОНОВА ЭЪЗОЗХОН ТОИРЖОН ҚИЗИ

**ИНТЕРВЬЮ – ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЕТАКЧИ ЖАНРИ
СИФАТИДА**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доц. А.Нурматов

2018 йил 28 май

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ё.Эркабоева

2018 йил 28 май

Тошкент – 2018

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ А.Матякубов

Кафедра мудири: _____ А.Нурматов

Илмий раҳбар: _____ Ё.Эркабоева

Расмий тақризчи: _____ З.Намозова

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: ИНТЕРВЬЮ – ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЕТАКЧИ ЖАНРИ СИФАТИДА

**ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси Охунжонова Ёъзозхон Тоиржон
қизининг битирув малакавий иши**

«_____» га баҳолансин.

«28» май 2018 йил

ДАК раиси:

С.Ҳакимов

ДАК котибаси:

Ҳ.Файзуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Халқаро журналистика

Кафедра: Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти

Таълим йўналиши: Журналистика (халқаро журналистика)

“Тасдиқлайман”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири
ф.ф.н. доц., А.Нурматов

“28” май 2018 й.

Битирув малакавий ишни бажаришга

ТОПШИРИҚ

АХАТОВА НОИЛАХОН САХОБИДДИНОВНА

1. БМИ мавзуси: “Интервью – журналистиканинг етакчи жанри сифатида”.
2. БМИ мавзуси университетнинг 2017 йил 25 декабрь 303/б-сонли буйруғи билан тасдиқланган.
3. Тугалланган ишни топшириш муддати: 2018 йил “18”май.
4. Битирув малакавий ишни ёзиш бўйича кўрсатма:
 - а) ишнинг бошланғич маълумотлари: меъёрий ҳужжатлар, Президент асарлари, мавзуга тегишли илмий-услубий ва назарий манбалар;
 - б) иш таркиби: кириш, 2 боб, 6 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
 - в) ишнинг умумий ҳажми: ____ бет;
 - г) ишнинг иловаси: тадқиқот бўйича чоп қилинган мақолаларнинг нусхаси;
 - д) ишни ёзиш режа-жадвалини 2018 йил “17” январгача тақдим этиш;
 - е) ишни меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштириш 2018 йил “10” май.
6. Топшириқ берилган кун: 29.11. 2017.

Илмий раҳбар
Битирувчи

Ё.Эркабоева
Э.Охунжонова

Битирув малакавий ишнинг ҳар бир боб ва бўлимида бажариладиган ишларга маслаҳатлар

№	БМИ боб ва бўлимларининг Номлари	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш	Топшириқ берилган сана, имзо	
			Топшириқ берди	Топшириқ олди
I.	ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
1.1.	Интервью жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши динамикаси	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
1.2.	Интервью турлари ва унга қўйиладиган талаблар	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
1.3.	Интервьюнинг ахборот самарадорлигига таъсири	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
II.	ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
2.1.	Мавзу танлаш ва саволлар изчиллигининг самарли интервьюга таъсири	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
2.2.	Интервью қаҳрамон (ресципиент) шахси ва уни намоён этишда журналист маҳорати	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017
2.3.	Интервьюнинг жонли ва таъсирчанлигида тил ва услуб имкониятлари	Ё.Эркабоева	29.11.2017	29.11.2017

Битирув малакавий ишни бажариш жадвали

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Бажариш муддати	Бажарилганлиги ҳақида илмий раҳбар имзоси
I.	ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	22.01.2018	
1.1.	Интервью жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши динамикаси	22.01.2018	
1.2.	Интервью турлари ва унга қўйиладиган талаблар	06.02.2018	
1.3.	Интервьюнинг ахборот самарадорлигига таъсири	06.02.2018	
II.	ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ	10.03.2018	
2.1.	Мавзу танлаш ва саволлар изчиллигининг самарли интервьюга таъсири	10.03.2018	
2.2.	Интервью қаҳрамон (ресципиент) шахси ва уни намоён этишда журналист маҳорати	20.04.2018	
2.3.	Интервьюнинг жонли ва таъсирчанлигида тил ва услуб имкониятлари	20.04.2018	

**Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети
халқаро журналистика факультети
халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедрасининг
9-сонли мажлиси баённомасидан**

КЎЧИРМА

Тошкент ш.

2018 йил 16 май

ҚАТНАШДИЛАР: кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

- 1. 4-босқич талабаларининг битирув малакавий ишларини
ҳимояга тавсия этиш.**

ЭШИТИЛДИ: 403-гуруҳ талабаси Охунжонова Ёъзозхон Тоиржон қизининг “Интервью – журналистиканинг етакчи жанри сифатида” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Қарор қилинди:

403-гуруҳ талабаси Охунжонова Ёъзозхон Ёқутхон Ёркабоева раҳбарлигида ва Зебо Намозова тақризи остидаги “Интервью – журналистиканинг етакчи жанри сифатида” мавзусидаги битирув малакавий иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудир

А.Нурматов

Котиба

М.Нормаматова

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ МУНДАРИЖАСИ

Кириш	3	
I БОБ. Замонавий журналистикада интервью жанрининг ўрни ва аҳамияти		
1.1. Интервью жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши динамикаси.....	8	
1.2. Интервью турлари ва унга қўйиладиган талаблар.....	18	
1.3. Интервьюнинг ахборот самарадорлигига таъсири.....	28	
II БОБ. Ўзбек матбуотида интервью жанридан фойдаланиш имкониятлари		
2.1. Мавзу танлаш ва саволлар изчиллигининг самарли интервьюга таъсири.....	34	
2.2. Интервью қаҳрамон (ресципиент) шахси ва уни намоён этишда журналист маҳорати.....	46	
2.3. Интервьюнинг жонли ва таъсирчанлигида тил ва услуб имкониятлари.....	56	
Хулоса	64	
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	68	
Иловалар		

КИРИШ

Ахборот коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши, глобал ахборот жамиятининг вужудга келиши, турли оммавий ахборот каналлари орасидаги рақобатнинг кучайиши алоҳида давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАВнинг ҳам, шундай тизимга фаол тарзда жалб этилишини тақозо қилади. Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз “жаҳон майдони ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг таркибий қисми”¹ ҳисобланади.

Саййорамиз кундан-кун тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Бунда кимдир замон билан ҳамнафас бўлишни хоҳласа, у бугунги ва ўтмишдаги маълумотлар-у воқеа ҳодисалар ҳақида хабардор бўлмоғи лозим. Шунда атрофингизни ўраб турган инсонлар дунёқарашингиздан келиб чиқиб сизни бугуннинг инсон сифатида талқин қилади. Албатта, шу жараёнда журналистика ўзига хос ўринни эгаллайди.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Сўнгги пайтларда ХХІ асрга нисбатан “ахборот асри” деган атаманинг қўллаш тенденцияга айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки охириги икки ўн йилликда дунёда содир бўлган ўзгаришларнинг кўлами ва миқёсини коммуникация соҳа мутахассислари бир неча юз йилликларда содир бўладиган ўзгаришларга нисбатан бир неча баробар жадал кечганини эътироф этадилар. Чиндан ҳам жуда катта тезлик ва босимдаги ахборот алмашинуви жараёнлари дунё манзарасини ўзгартириб юборди. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида сўнгги пайтларда ахборот коммуникатив технологияларнинг мислсиз даражада тараққий этишини кўрсатиш мумкин. Эндиликда технология имкониятлари нафақат ахборот узатувчи воситаларни кўпайтирди, балки улардан фойдаланувчиларнинг ахборот жараёнларида иштирок этишларини фаоллаштирди. Натижада омма ахборот қабул қилиш билан бирга, ўзи ҳам ахборот узатиш орқали коммуникация жараёнларини ўзгартиб юборди. Ахборот истеъмолчилари энди

¹ Каримов И. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009. — Б.11.

ўзларига тегишли ахборотни хоҳлаган манбалардан қабул қилиш ва узатиш имкониятига эга бўдилар.

Оммавий коммуникация жараёнларида ахборот алмашишнинг энг самарали усули бу – мулоқотдир. 2017 йилнинг мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”²² деб номланишининг замирида ҳам ўзаро ахборот алмашиш, жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсади ётади. Шу маънода, **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини** «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида “...кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга...”³ Дарҳақиқат қаерда очик, тўғридан-тўғри мулоқот бўлса, ўша ерда ошқоралик, шаффофлик қарор топади, муаммолар бартараф этилади, охир-оқибатда ривожланиш бўлади.

Журналистик ижод маҳорати талаблари нуқтаи назаридан мулоқотга икки хил ёндашув мавжуд. Яъни, мулоқот - ахборот алмашишнинг энг самарали усули ҳамда мулоқот – журналистикада мустақил (интервью, суҳбат) жанридир. Биз бу ёнашувларнинг иккинчиси, замонавий журналистиканинг етакчи жанрлардан бири бўлган-интервьюни ўрганиш, унинг бугунги жанрлар инеграцияси кутаётган мураккаб шароитда ўрни ва ахборот самарадорлигига кўрсатадиган таъсирини ўрганамиз.

Мазкур мавзунинг долзарблиги шундаки, сўнгги пайтларда замонавий журналистикада ахборот жанрларига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Бу эса

²² УзА.уз > politics > барча-ютуқларимиз...

³ “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил, 7 февраль

журналистик асарларга ҳам аниқ ва қисқалик талабини қўйяпти. Шу билан бирга ана шу қисқаликда қизиқарли, фойдали, аҳамиятли воқеалар акс этиши керак. Ахборот истеъмолчилари томонидан қўяётган бу талабни амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари интерактивликка кўпроқ ўрин бериш лозимлигини тақозо этади. Бунинг учун омма, жамоатчилик бу жараёнларида журналистлар билан тенгма-тенг иштирок этишлари зарур. Оммавий ахборот воситаларининг анъанавий кўриниши ҳисобланган матбуот ҳам табиийки, бу жараёнлардан четда тура олмайди. Босма нашрлар: газета ва журналлар ҳам жамоатчилик билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш учун ўз фаолиятларини аудиториянинг талаб ва истакларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилаётир. Бунда информацион жанрларнинг етакчиси ҳисобланган интервью ўрни алоҳидадир.

Шу пайтгача журналистика соҳасида ўрганилган ишларда интервьюга ахборот олиш усули сифатида ёндашилиб, унинг жанр сифатидаги ўзига хослигига келганда, журналистика назарияси талабларидан келиб чиқиб, асосан унинг қонуниятларига эътибор қаратилади. Аммо сўнгги пайтларда унинг информацион-коммуникатив функцияси таъсири ортганлиги туфайли интервьюларга эҳтиёж ҳам ортди. Газета ва журналларда бошқа жанрларга қараганда интервьюлар сони кўп учрайди. Табиийки, бу эса интервьюнинг жанр сифатидаги ўзига хослиги, ривожланиш динамикаси, шакл ва мазмунида бўлаётган ўзгаришларни мунтазам тадқиқ қилиб боришни тақозо этади.

Шу маънода, мазкур битирув малакавий ишига олиб чиқилган мавзунинг долзарблиги **биринчидан**, матбуотдаги интервьюлар орқали журналистикада жанрлар яхлитлигини аниқлаш, уларнинг журналистик асар сифатидаги ўзига хослиги, қонуниятларини ўрганиш, **иккинчидан**, муайян нашрларда чоп этилган интервьюларни тадқиқ қилиш орқали, бугунги нашрларда кўпроқ интервьюнинг қандай турларини чоп этилишини мониторинг қилиш, **учинчидан**, интервьюларда кўтарилаётган мавзулар, интервьюга танланган қаҳрамонлар, интервью олиш жараёнида журналист маҳорати, тил ва услуб имкониятлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг ўрганганлиги даражаси. Интервью жанри бўйича тадқиқот олиб борган Ғарб олимларидан Э.Фихтелиус, Д.Рендал, рус тадқиқотчиларидан А.Тертичный, М.Лукина, М.Ким, Г.Мельник, А.Шиббаева, А.Тепляшина ўзбек олимларидан М.Худойкулов, Ф.Нестеренко, Қ.Эрназаров, Ё.Маматова, Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиевалар томонидан ўрганилган ишларда интервьюнинг ахборот олиш усули ва жанр сифатидаги хусусиятлари кенг ва атрофлича тадқиқ этилади. Уларда интервьюнинг ўзига хос жанр эканлиги, унинг турлари ва унга қўйиладиган талаблар турли ОАВ эълон қилинган турли кўринишдаги интервьюлар мисолида тадқиқ этилган. Биз ушбу тадқиқотчиларнинг интервью жанри ҳақидаги назарий билимларига таянган ҳолда Ўзбекистонда чоп этиладиган битта йўналишдаги икки нашрда чоп этилган интервьюларни таҳлилга тортдик.

Ишнинг илмий янгилиги. Шу пайтгача тадқиқ этилган илмий ишларда интервьюнинг информацион жанр тури сифатида асосий хусусиятларига эътибор қаратилган. Шунингдек, интервью жараёнида журналистнинг бошқарувчи сифатидаги ўрни, коммуникатив, психологик вазифалари ҳам жаҳон ва ўзбек журналистикасида ўрганилган. Мазкур ишнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, интервьюнинг жанр талабларига жавоб бериши билан бирга унинг турлари, бошқа жанрларга қараганда фаоллигини Ўзбекистонда чоп этиладиган “Оила ва жамият” ҳамда “Оила даврасида” газеталари чоп этилган интервьюлар мисолида қиёсий таҳлил этилади.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишида интервью жанрининг пайдо бўлиши, ривожланиш динамикаси, интервьюга қўйиладиган талаблар, интервью турлари ва, унинг тадқиқга тортилган нашрларида чоп этилган интервьюлар мисолида ўрганиш мақсад қилинган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- интервью жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши динамикаси ўрганиш;
- интервью турлари ва унга қўйиладиган талабларни аниқлаш;

- интервьюнинг ахборот самарадорлигига кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилиш;
- мавзу танлаш ва саволлар изчиллигининг самарли интервьюга таъсирини ўрганиш;
- интервью қаҳрамон (ресципиент) шахси ва уни намоён этишда журналист маҳоратини таҳлил қилиш;
- интервьюнинг жонли ва таъсирчанлигида тил ва услуб имкониятларининг ўрнини аниқлаш..

Тадқиқот объектини “Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталарининг 2017 йилдаги сонлари ташкил этади.

Тадқиқот предмети сифатида журналистика назариясида интервью жанри билан боғлиқ назарий билимлар, интервью қоидалари ва у билан боғлиқ тадқиқотчиларнинг фикрларини ўзида камраган илмий адабиётларда таяндик. Шунингдек, журналистик тадқиқот олиб боришнинг ҳужжатлилик, таҳлил, қиёслаш методларидан фойдаланиш орқали мавзунини очиқ беришга ҳаракат қилдик.

Ишнинг методологик ва назарий асослари. Мазкур ишимизнинг методологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг журналистика ва ОАВ фаолияти ҳақидаги нутқлари ва маърузалари ташкил этади.

Шунингдек, журналистик ижод маҳорати асосларига бағишланган мамлакатимиз ҳамда хорижий тадқиқотчилар асарларидан назарий манба сифатида фойдаланилди.

Ишнинг таркибий тузилиши. Ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари унинг тузилишини белгилаб беради. Мазкур иш кириш, олти фаслни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОВ. ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Интервью жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши динамикаси.

Жамиятнинг ахборотга бўлган бугунги талаби ҳар қачонгидан ҳам юқори. Эндиликда олинаётган ва узатилаётган ахборот қандайдир мақсадлар, манфаатлар туфайли оммага ҳар қанча тез ва тўғри етказилса-да, барибир

ахборот манбасининг ўзи берган хабарчалик ёки фикрчалик таъсирга эга бўлмайди. Тўғри, журналист тайёрлайдиган ижод маҳсулини қандай бўлишидан қатъи назар (газетада чоп этилган материал, теле ёки радиолавҳа) ахборот манбасидан олган маълумотларга таянади. Ахборот манбаси гоҳида воқелик қаҳрамони, иштирокчиси ёки ташкилотчиси сифатида оммага маълумотни бевосита ўзи бериши ёки у берган маълумотлар, факт ва рақамлар, фикр ва мулоҳазалар журналист тайёрлаган материал воситасида оммага етказилади. Муҳими, ахборотнинг ҳаққоний етказилиши орқали воқелик ҳақида оммага хабар беришдир. Бу журналистиканинг жамиятдаги асосий вазифаси саналади.

Журналистика соҳасининг тараққий этиши содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида, уларнинг гувоҳи бўлган ахборот манбалари томонидан бериладиган маълумотларни оммага етказишнинг турли шакл-шамойиллари, усуллари пайдо қилди. Бу журналистикада жанр деб номланади. Шу ўринда жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида гап кетганда, бу борада турлича қарашлар мавжудлигини эътироф этмоқ жоиз. Айниқса, қайси жанр биринчи пайдо бўлган, деган саволга жавоблар ҳам турличадир. Масалан, бизгача етиб келган журналистик асарлар ичида эссе ёки памфлет дастлаб пайдо бўлган деган тасаввурни беради. Эссенинг вужудга келиш тарихи XVI-XVII асрларга бориб тақалади.⁴ Фельетон жанри XVIII асрда⁵, корреспонденция XIX асрларда пайдо бўлган⁶ ва ҳақозо.

Матбуотнинг тараққий этиши, газета ва журналларда материалларнинг ранг-баранглиги, қолаверса, бу материалларнинг турли мамлакатларда ҳар хил номланиши жанрларнинг шакли, мазмуни, моҳиятига қараб таснифлаш (классификация) заруратини юзага келтирди. Кейинчалик улар қатор гуруҳларга ажратиб чиқилган.

Ўзбек журналистикасида жанрларнинг асосан учта гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

⁴ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Essy...>

⁵ www.e-reading.mobi/chapter.php/Ter...

⁶ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/korrespondensiya...>

- **Ахборий** – хабар, репортаж, ҳисобот, интервью;
- **Таҳлилий** – мақола, корреспонденция, суҳбат, тақриз, шарҳ;
- **Бадиий-публицистик** – эссе, очерк, фельетон, памфлет.

Юқоридаги гуруҳланишда акс этганидай ахборий жанрлар сирасига хабар, янгиликдан ташқари интервью ҳам киради. Демак, бу жанрнинг мазмун-моҳияти, шакли, унга қўйиладиган талабларни ўрганиш ҳам ҳозирги журналистика учун жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан, бизнинг асосий тадқиқот объектимиш бўлган интервью жанр қачон пайдо бўлди, ривожланди ва жанр сифатида тан олинди, деган саволга ойдинлик киритиш мазкур бобнинг биринчи фаслида тадқиқ этилиши лозим бўлган асосий масала ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, жанр тушунчаси журналистика пайдо бўлгандан бери ўз даврига қараб ривожланадиган, ижтимоий жараёнларнинг ўзгаришига қараб ўзгарадиган тарихий категориядир. У ҳамма даврда ҳам, одамларнинг ахборотга қизиқишлари, уни қабул қилишга бўлган эҳтиёж, муносабатларига қараб пайдо бўлган ва ривожланган. Буни рус тадқиқотчиси Г.Корконосенко шундай изоҳлайди: “Ишбилармонларнинг ўзаро муносабатлари газета саҳифларида “ҳисобот” жанрини пайдо қилди. Сир тутишга бўлган эҳтиёж туфайли - хат жанри юзага келди. 1800 йилда “Журналь де Деби” деб номланган француз газетаси инқилобдан кейин одамларни ўзига кўпроқ жалб этиш ва демократик матбуотнинг кўриниши сифатида таассурот пайдо қилиш учун фелеьтонни ўйлаб топди. Шу тариқа барча жанрлар тарихан оддийликдан мураккабликка, оддий хабардан тортиб таҳлилий мақолагача ривожлана борди.”⁷ Олимнинг фикрларини Л.Шибаева шундай тўлдиради: “Нима учун интервью жанри кеч пайдо бўлди? Ваҳоланки, журналистикада пайдо бўлган жанрларнинг энг биринчилардан бўлиши керак эди. Ахир савол бериш ҳар бир инсонга болалигидан одат, қолаверса дунё адабиётида, антик файласуфлардан тортиб драматургларгача жуда катта диологлар захирасини

⁷ Основы творческой деятельности журналиста. под ред. С.Г. Корконосенко. –СПб.: Знание, СПБИНВЭСЭП, 2000. С.51.

қолдирган. Шунга қарамай бу жанр XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби, талаби ва мезони бор”⁸.

Тадқиқотчининг юқоридаги фикрларидан интервью жанрининг тарихий илдизлари ҳали журналистика пайдо бўлмаган даврларга бориб тақалиши маълум бўлади. Бу ҳақида Ҳ.Саидов ва Н.Тўхлиевалар ҳаммуаллифлигида яратилган “Репортёрлик маҳорати” номли ўқув қўлланмада шундай маълумот берилади: “Интервьюнинг дастлабки кўринишлари анча қадимга бориб тақалади. Илк эпик асарлардан бири “Қутадғу билиг” асосан тўрт қаҳрамоннинг турли мавзудаги савол-жавоби асосига қурилган. Мумтоз адабиётимизда алоҳида “мунозара” ёки “саволу жавоб” деб аталувчи жанр мавжуд. Алишер Навоий, Фаробий, Оғаҳий, Бехбудий, Фурқат каби ўз даври намоёндаларининг ижодларида устоз-шогирд, ота-бола, подшоҳ ва фуқаронинг ўзаро суҳбатларига кўплаб мисоллар мавжуд:

“Деди: Қайдинсен, эй мажнуни гумрах?

Деди: Мажнун ватандин қайда оғаҳ.

Деди: Недур санга оламда пеша?

Деди: Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Деди: Бу ишдин ўлмас касб рўзи,

Деди: Касб ўлса басдур ишқ сўзи”. (Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан)”⁹

Бу фикрларни инобатга олган ҳолда, интервью журналистик жанр сифатида бошқа шаклларга нисбатан кеч пайдо бўлганига қарамай, унинг кўриниши, шакл-шамойили инсон тафаккурида мулоқот деган тушунчанинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Инсонда нутқнинг пайдо бўлиши, унинг гапиришга, нутқ орқали ахборот алмашишга бўлган эҳтиёжи туфайли вужудга келди ва жамият ривожининг асоси алоқа воситаларидан бирига айланди. Эндиликда жамиятнинг ўзи мулоқотдан иборат бўлиб қолди. Буни рус олими М.Бахтин: “Мавжудлик бу

⁸Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики. Учебно-методическое пособие. –Москва, 2000. С.5.

⁹ Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Тошкент. 2008. – Б.68.

— гаплашиш, мулоқот. Шунинг учун диалог моҳиятан бўлиши ва тугаши керак эмас. Қачонки диалог тугаса, ҳаммаси тугайди”¹⁰ деб изоҳлайди. Шу билан бирга М. Бахтин воқеликнинг иштирокчилари ўртасида кечадиган мулоқотни: бу—“бегона сўзларнинг учрашуви ва ўзаро таъсирини белгиловчи мураккаб ходисадир”¹¹ эканлигини қайд этади. Демак, ўзаро гаплашиш, савол бериш ва унга жавоб қайтариш – мулоқот биз бугун ўрганаётган интервью жанрининг шакли кўҳна ва қадимий эканлигидан далолат беради.

Журналистиканинг вазифаси жамоатчиликнинг қизиқишлари ва сўровларига ҳам асосланиши керак. Мана шу ерда икки томонлама алоқа, яъни ахборотни узатишда жамоатчилик билан тўғридан-тўғри алоқага киришиши, ахборотни холис етказишни таъминлайди. Б эса оммавий коммуникациялар жараёнининг интерактивликка асосланишини кўрсатади. Бундай шароитда журналистлар ўзларига топширилган вазифанинг чегарасини аниқлаш, фактларга ўзларининг очиқ баҳосини бериш, муҳокама қилиш, шундай хулосалар чиқаришлари керакки, ўзларининг нуқтаи назарини тарқатишлари билан ўқувчиларни ҳам ҳамфикр қилиб қўйишлари ҳам мумкин. Бу жараён айниқса, интервьюда яққол кўзга ташланади. Шу ўринда “интервью” истилоҳининг ўзига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Инглиз тилидан олинган “интевью” сўзи “оралиқ”, “нигоҳ” деган маъноларни англатади. Бу нигоҳ ҳар хил бўлиши мумкин. Уларни орасидаги юпқа пардани олиб ташланса, “нигоҳлар оралиғи” деган мазмунни беради. Яъни журналист билан суҳбатдошнинг қарашлари, нуқтаи назарлари оралиғи ҳисобланади. Интервью – содир бўлган воқеани кимнингдир қараши ёки, фикри орқали ифода этилади.

“Интервью - журналистикада ахборот олишнинг асосий усулидир”, деганди ҳиндистонлик профессор К.М.Шривастава. Биз ҳам ушбу фикрни тўлиқ қабул қилишимиз мумкин. Чунки журналист ахборотни асосан сўраб-

¹⁰ Бахтин М.М. Проблема творчества Достоевского. М., 1994. –С.160.

¹¹ Ўша манба.

суриштириб йиғади. АҚШда чоп этилган “Оммавий ахборот воситалари луғати”да ҳам шунга ўхшаш тушунча бор: “интервью - бир шахсининг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаши ва топиши жараёнидир”¹².

Журналистикада интервью тушунчаси икки хил мазмунни ифодалайди. Биринчиси, интервью-ахборот олиш усули. Бу усул социология ва психологиянинг ҳам тадқиқот методларидан саналади. Журналист маълумот олиш учун турли ахборот манбалари билан узаро гаплашади. Бу жараён расмий ёки норасмий тарзда бўлиши мумкин. Журналист берган саволларга суҳбатдош турли кўринишда: оғзаки, ёзма, визуал, вербал тарзда жавоб бериши мумкин. Бундай интервьюда иккинчи томон, яъни суҳбатдош фаоллик кўрсатмайди, фақат ахборот манбаси сифатида иштирок этади. Иккинчиси, журналистиканинг жанрлари: интервью ёки суҳбатдир. Журналист ўзи танлаган суҳбатдоши билан бир мавзу, мақсадга қаратилган савол-жавобдан иборат мулоқотида жамиятда содир бўлган аниқ бир воқеа-ходиса, жараёнлар, ўзгаришлар ва суҳбатдошнинг эришган ютуқлари, соҳасига доир ўзгаришлар ҳамда янгиликлар ҳақида ўзаро мулоқот олиб боради.

Журналистикада интервью – бир шахсининг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаш ва топиши жараёнидир. В.А.Аграновский айтганидек, “Интервью – бу фақат савол жавоблар эмас. Журналист интервьюер олдида биринчидан фикр билан, иккинчидан фикр учун боришга мажбур.”¹³

Интервью журналистнинг қаҳрамон билан қиладиган суҳбати. Интервью тартибига кўра бир киши савол беради, иккинчиси жавоб. Саволнинг фақат журналист бериши факт бўлмагандай, берилган саволга жавоб беришнинг мажбурлиги ҳам факт эмас. Интервью олувчининг мақсади суҳбатдошнинг нимани ўйлаши, нуқтаи назарини, фикрини аниқлаштиришга қаратилади.

¹²Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Тошкент. 2008. – Б.69.

¹³ Аграновский А. Беседа о журналистике. – Москва. 1989. –С. 51.

Интервью ва суҳбатни қайси жанрлар туркумига киритиш журналистика назариясида кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Хусусан, рус тадқиқотчилари А.Стерльцов, М.Шостаклар суҳбатни ахборот ва янгиликни саволларга муайян субъектнинг берган жавоблари орқали олиш усули сифатида информатив жанрларидан бири интервьюнинг ўзи эканлигини таъкидласалар, бошқа бир тадқиқотчи А.Тертычный интервьюнинг ўзини иккига информатив ва таҳлилийга бўлади. Ва таҳлилий интервьюнинг кўринишлари суҳбат жанрининг талабларини ўзида ифода этади. В.Ворошилов эса “Интервью – бу конкрет шахснинг (шахслар гуруҳи) оммани қизиқтирадиган саволларига жавобидир. Таъкидлаш керакки, интервью фақат жанр эмас, балки бошқа материаллар учун ахборот олиш усулидир” дейди. Шунингдек, амалий журналистикада ўзининг қўлланмалари билан машҳур бўлган журналист Дэвид Рендалл ҳам интервью билан суҳбатнинг фарқини алоҳида кўрсатмаган бўлса ҳам, интервью ҳақидаги мулоҳазалари унинг суҳбат билан айнан эмаслиги ҳақида таассуротни беради. У шундай ёзади: “Интервью – сиз ўз фикрингизни билдириб, истеъдодингизни ярқ этиб кўрсатиб, қизгин баҳс олиб борадиган жараён эмас, балки интервью - узок давом этадиган заҳматли машғулот бўлиб, унда сиз саволларингизга жавоб олиш ёки ёритадиган мавзуингизни тушуниш учун савол беришдан чекинмайсиз”.¹⁴

Бундан кўринадики, интервьюнинг ўз чегаралари, амал қилиш лозим бўлган қоидалари эканлиги ва энг муҳими, биз синоним деб ўйлаган суҳбатдан фарқли жиҳатлари бор экан.

Ўзбек олимларидан филология фанлари номзоди Ҳ.Саидов ва тадқиқотчи Н.Тўхлиеваларнинг “Репортёрлик маҳорати” ўқув қўлланмасида бу фарққа қуйидагича ойдинлик киритади:

“Собиқ шўро журналистикаси олимлари ва амалиётчилари интервью билан суҳбатни алоҳида-алоҳида жанрларга ажратдилар. Сиртдан олиб қараганда уларнинг иккиси ҳам ахборот жанрларига хос, лекин суҳбатнинг

¹⁴ Рендал Д. Профессионализм сари тўрт кадам. Амалий қўлланма. – Тошкент. 1994. –Б. 31.

кайсидир жиҳати таҳлилий жанр хусусиятини олгандек кўринади. Бу жиҳат интервью ва суҳбатнинг фарқланишига дахлдордир. Одатда интервью кўпроқ ахборот жанрлари, суҳбат эса аксар таҳлилий жанр талабларига жавоб беради.

“Биринчи фарқи. Интервьюда интервью олувчи фақат қисқа, лўнда саволлар беради. Суҳбатда журналист савол бериш билан бирга бирор муаммо ечими изланаётганда ёки бошқа зарурат туғилганда баҳсга киришиши мумкин...

Иккинчи фарқи. Журналист суҳбатдошининг жавобларини шарҳлаши мумкин. Албатта, шарҳлаш учун ҳам журналистдан юқорида таъкидланган сифатлар талаб қилинади.

Учинчи фарқи. Интервьюда асосий эътибор бир муаммо ёки бир мавзуга қаратилса, суҳбатда нисбатан кенгрок, бир неча мавзуда савол жавоб бўлиши мумкин.

Тўртинчи фарқи. Савол берилганда ёки суҳбатдош жавоб қайтараётганда унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар - кулганлиги, жаҳли чиққанлиги, ўйланиб қолганлиги ва бошқа ўзгаришларни ҳам қавс ичида бериб бориш мумкин”.¹⁵

Интервью олувчининг, яъни журналистнинг вазифаси — аввал суҳбатдош билан суҳбатлашиб, кейин ёзишдир. Қаҳрамон шахсини аниқ очиб беришга йўналтирилган интервью ёки муаммоли вазиятни ўрганиш учун бевосита суҳбатнинг ўзи кифоя қилмайди. Интервью олувчининг муҳим вазифаларидан яна бири — бу суҳбатдошни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Шу маънода - интервью, икки киши ўртасидаги ўзаро мулоқот, яъни коммуникатив ҳодисадир.

Ҳар бир журналист интервью жанрининг ўзига хослиги ва муҳим хусусиятларини яхши билиши ва ўрганиши керак. Чунки уларнинг ҳар бири маълум ҳолат, вазиятда қўлланилиш учун яратилган. Шунинг учун ҳам уларни қоришиқ ҳолда ишлатиш ҳам ярамайди. Масалан, интервью қилиб

¹⁵ Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. — Тошкент. 2008. — Б.71.

тайёрланаётган материални ортиқча саволлар ёки журналист ўзини ақлли кўрсатишга уриниши билан суҳбат (беседа) га айлантириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу икки жанр бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу жанрлардаги материалларни яратишдан кўзланган мақсад ҳам, уларни қўллаш тўғри келадиган ҳолатлар ҳам турлича.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши журналистиканинг азалий моҳиятини ўзгаришига олиб келди. Бу ўзгаришлар қай бир маънода моҳиятини мазмунан бойитиши билан бирга унга янги ва янги имкониятлар яратмоқда. Ахборот технологияларининг тезкорлик билан тараққий этиши жаҳонда маълумот алмашинувини тезлаштириб, жамият ҳаётида ахборотнинг роли ва аҳамиятини ошириб юборди. Ахборотни имкон қадар холис ва аниқликка асосланиб етказиб бериш заруратининг ўзи оммавий коммуникация воситалари зиммасидаги масъулиятнинг аҳамияти борган сари ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ҳар қандай ахборотни етказиш ва уни жамоатчилик томонидан қабул қилиниши билан ахборот билан боғлиқ муаммони ҳал қилмайди. Балки бу муаммонинг ечими иккинчи томоннинг, яъни ахборот қабул қилган томоннинг реакцияси (муносабати) билан белгиланади.

Ҳозирги даврда жамоатчилик оммавий ахборот воситасиларидан ахборот етказиб беришдан кўпроқ нарсани кутади. Ва аксарият ҳолларда ҳозиргача ҳам оммавий ахборот воситаларининг муаммони ҳал қилишга қодир куч сифатида тасаввур этади. Табиийки, бу жараёнлар оммавий ахборот воситалари учун ҳам ахборот етказиб беришдан кенгроқ, изчилроқ фаолият олиб боришни тақозо этади. Айниқса, жамиятнинг бирор бир бўғини, соҳасида қарама-қаршилик, муаммо ёки жумбоқ юзага келадиган бўлса, у ҳақда фақат ахборот бериш жамоатчилик ўртасида воқеликка бўлган қизиқишни янада орттиради. Омма ўша муаммо ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истади. Бундай ҳолларда муайян ахборот юзасидан манбаа сифатида турли доирадаги, савиядаги, дунёқарашдаги шахслар билан бўладиган интервью орқали бериладиган ахборотлар муҳим роль ўйнайди.

Интервью журналист ва суҳбатдош орасида муайян мавзун очиб беришга қаратилган, аниқ ахборот олиш мақсадида уюштириладиган ўзаро диолог, монолог ёки бошқа йўл шаклда ва албатта савол-жавоб қонуниятига асосланган икки ва ундан ортиқ кишининг ҳамкорликдаги нутқий фаолиятидир. Ушбу жараёнда томонларнинг нутқ ифодаси ва уни қабул қилиш амаллари алмашиб туради. Оддий қилиб айтганда, бир киши гапиради, иккинчиси тинглайди, бу ўринлар суҳбат жараёнида бир неча марта алмашиши мумкин. Ўзаро яратилган бу ҳамкорлик суҳбат орқали маълум мақсадга эришиш, муайян масалага ойдинлик киритиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаб топишга имкон яратади. У соф интерактив жараёндир. Шу ўринда “интерактив” деган сўзнинг луғавий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

“Интерактив” сўзининг луғавий маъноси, “интер”- ўзаро, “акцион”- фаолият, ўзаро фаолият юритиш, икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян макон ва замонда, яъни муҳит ва вақт оралиғида ўзаро ахборот алмашиши, ўзаро тенг фаолият кўрсатиш орқали муайян масаланинг объектив-субъектив томонларига тенг муносабатда бўлиш каби маъноларни англатади. Интервью жараёнида томонларнинг фаоллашуви орқали ахборот алмашиш, ўзаро ўрганиш, ўргатиш, муносабат билдириш, алоқада бўлиш жараёнлари амалга ошади. Бу жараёнда турли хил таъсир воситалари орқали ахборот алмашиш содир бўлса-да, моҳиятан бу жараён тажриба, қобилият, дунёқараш, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижалари алмашинуви содир бўладиган реал ҳодисадир.

Таъкидламоқ жоизки, сўнгги пайтларда замонавий матбуотда журналистиканинг бошқа жанрларига нисбатан интервью жанри нисбатан фаол эканини кузатдик. У ҳақда фикр билдиришдан аввал интервью жанрининг қандай турлари мавжудлиги ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида билиб олиш жуда муҳим. Биз интервьюнинг турлари хусусида навбатдаги фаслда атрофлича тўхталиб ўтамиз.

1.2. Интервью турлари ва унга қўйиладиган талаблар.

Интервью икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян бир мақсадга эришиш йўлида биргаликда амалга оширадиган нутқий фаолияти, дедик. Интервью жанрининг шакл ва мазмуни билан боғлиқ муайян талаблари бўлса ҳам, унинг қоидаларига қатъий амал қилади, дегани эмас. Тўғри, интервью савол-жавоб қониятларига асосланади. Аммо уни амалга ошириш жараёнида томонларнинг нутқ ифодаси ва уни қабул қилиш амаллари алмашиб туради. Оддий қилиб айтганда, бир киши гапиради, иккинчиси тинглайди, бу ўринлар интервью жараёнида бир неча марта алмашиши мумкин. Ўзаро яратилган бу ҳамкорлик интервью орқали маълум мақсадга эришиш, муайян масалага ойдинлик киритиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаб топишга имкон яратади.

Жамиятнинг оммани қизиқтирган турли масалалари бўйича узатиладиган ахборотлари ичида таъсирчанлик жиҳатидан интервью фаол жанрлардан бири сифатида етакчи ўрнида туради. Бунинг дастлабки сабаби интервью ҳар қандай расмийтчилардан ҳоли, эркин тарзда ва муҳими, томонларнинг тенглигига асосланади. Иккинчидан, интервьюнинг тили осон, тушуниш осон. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги катта босимдаги ахборот алмашиш жараёнларида қисқа ахборотни қабул қилиш тенденцияси шаклланди. Шу маънода газета ва журналларда, интернет матнларида бир кишининг узундан-узоқ нутқидан кўра, интервью савол-жавобга қурилганлиги боис, ўқувчига қизиқарлироқ ва самаралироқ туюлади. Образли қилиб айтганда ўқувчи ҳажми катта “ғишт” материални ўқигиси келмайди, ўқимайди ҳам. Аммо интервьюнинг савол-жавобга бўлишининг ўзи, ўқувчи учун ўқилиши қийин бўлмаган матнни тақдим этади. Учинчидан, интервьюнинг тили содда, омманинг ўзаро сўзлашишларидан, одатий мулоқотлардан у қадар фарқ қилмайди. Аммо ўқиган, эшитган ёки кўрган интервью тури осон тушунилса-да, уни тайёрлаш жараёнлари енгил деб бўлмайди. Айниқса, матбуотдаги интервьюларни ташкил қилиш бирмунча

мураккаб жараёндир. Интервью тайёрлаш жараёни ва унга қўйиладиган талаблардан олдин, унинг турлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шакл ва мазмунига кўра интервьюнинг бир неча кўринишлари бор: интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-ахборот, оммавий интервью, эксклюзив интервью, блиц-интервью ва ҳоказолар Филология фанлари номзоди, Ҳ.Саидов ва Н.Тўхлиевлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Репортёрлик маҳорати” ўқув қўлланмасида интервьюнинг тўрт тури: интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-ахборот, оммавий интервью ҳақида тўхталиб ўтилган

“Интервью-монологда танланган суҳбатдошга савол берилади ва у саволларга батафсил жавоб қайтаради. Бу савол-жавобларга бўлиб ташланмаган бир бутун матндир. Унинг аввалида суҳбат мавзуси ва кимнинг суҳбатлашгани ҳақида қисқа маълумот берилади.”¹⁶

Интервьюнинг бу турида муайян долзарб воқелик ёки куннинг муҳим воқеасига алоқадор респондентга шу воқеага тааллуқли умумий битта савол берилади. Ва унга суҳбатдош, худди ўзининг нутқини ирода этганидек, батафсил жавоб беради.

“Интервью диалог - саволлар ва жавоблардангина иборат суҳбат. Журналист тайёрлаб қўйган асосий саволлар билан чекланмасдан қўшимча саволлар ҳам бераверади. У суҳбатдошидан баъзи масалаларга аниқлик киритишни, муҳокама этилаётган муаммо бўйича шахсий фикрини билдиришни, қўшимча далил ва мисоллар келтиришни, кишилар исм-шарифини, шаҳарлар номини эслашни ва ҳоказоларни сўрайди. Бунда суҳбатнинг матни тўлиқ берилади.”¹⁷

Ҳозирги замонавий матбуотда интервью турлари ичида энг кўп учрайдигани бу савол-жавоб қонуниятларига амал қилинадиган интервью диалоглардир. Бу билан бошқа турдаги интервьюлар учрамайди, деган фикрдан йироқмиз, аммо бошқа турларга қараганда бундай интервью

¹⁶ Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Тошкент. 2008. – Б.98.

¹⁷ Ушбу манбаа. –Б.91.

турлари кенг оммалашган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Аввало ўқувчи учун бундай турдаги интервьюни ўқиш осон. Чунки ўқувчи битта кишининг узун нутқига тақалиб қолмайди. Қисқалик ва матндаги бўлиниш, ўқувчига ўқиш учун енгиллик яратади. Қолаверса, матннинг шакли иккига, яъни савол ва жавоб қисмга бўлиниши ўқувчи эътиборини тортиб, муаллиф ва суҳбатдошнинг қарашлари, билими, тафаккури ва маҳоратини фарқлаш олади. Шу маънода интервьюнинг бу турини мумтоз ёки анъанавий интервью деб аташ мумкин.

Интервьюнинг воқеликнинг яна бир ўзига хос, муҳим жиҳатини акс эттирувчи шакли борки, у бевосита содир бўлган воқелик ҳақида, унинг гувоҳи, ташкилотчиси ёки иштирокчиси орқали хабар бериш мақсади ётади. Бундай интервью тури ахборот характериға эға.

“Интервью-ахборот — суҳбатнинг аҳамиятли жойлари берилади, шунингдек жавоблар қисқартириб берилиши мумкин... Унда интервью берувчи шахс мавзуга доир асосий маълумотларни беради. Интервью олувчи эса қисқа саволлар билан чекланади ва жараёнға кам аралашади.”¹⁸ Бундай турдаги интервью омма билиши керак бўлган долзарб масалаларға эътиборни қаратади ҳамда интервью берувчи шахс орқали воқеликнинг моҳияти тушунтирилади.

Бундан ташқари кутилмаган воқеалар ҳақида, шошилиш равишда ташкил этиладиган интервьюнинг яна бир тури бу эксклюзив интервьюдир. Улар олдиндан режалаштирилмайди. Интервью олувчи шахс олдиндан белгиланмайди. Воқеликнинг, бирор бир жараённинг кечишиға қараб, шу воқеликка бевосита алоқадор бўлган кишилардан олинади. Масалан, Олимпиадада иштирок этган спортчиларни аэропортда кутиб олиш жараёнида, бокс бўйича биринчи олтин медални қўлга киритган жаҳон чемпиони Ҳасанбой Дўстматов билан эксклюзив интервью уюштирилди. Унда журналист Ҳасанбой Дўстматов иштирок этган бокс мусобақаси ҳақида

¹⁸ Ушбу манбаа. –Б.94.

уч-тўртта савол бериш орқали ўша мусобақанинг қандай кечгани билан ўқувчига иштирокчининг жавоблари орқали маълумот берилади.

Сўнгги пайтларда босма нашр саҳифаларидан блиц-интервьюлар (кўпроқ хусусий газеталарда учрайди) кўзга ташланыпти. Бу интервьюнинг бошқалардан фарқли томони қисқа савол ва қисқа жавоблардан ташкил топганидир. Кўпинча бундай интервью суҳбатдошнинг асосий мавзудан чекиниб, унинг шахсига тегишли бўлган қичқа саволлар ва қисқа жавоблардан иборат бўлади. Одатда саволлар икки-уч жумла ёки содда гапдан иборат бўлса, жавоблар ундан ҳам қисқа, яъни битта сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. Мухими, ўқувчи суҳбатдош— қаҳрамоннинг тийнати, характери, фазилатлари ҳақида маълумотга эга бўлади.

Интервью жанри турли ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт ва воқеа-ҳодисалардан ўқувчиларни бохабар этиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади.

Рус тадқиқотчиси А.Тертычный интервьюни шаклий жиҳатдан иккига, яъни ахборий ва таҳлилийга бўлади.¹⁹ Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар ёки маълумот ким томонидан берилганлиги маълум қилинганлиги айтилади. Яъни бир хил материалда факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги айтилиб, қисқача тарзда баён этиб ўтилади. Бу жиҳатдан у хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса суҳбат деб аталади ва унда таҳлилий публицистика хусусиятлари бирлашиб кетиши яъни у орқали ҳам хабар ва маълумотлар берилиши ва фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги замонавий ўзбек матбуотида журналистика жанрлари нуқтаи назаридан ҳам интервьюнинг бир неча турлари учрайди. Масалан, бирорта факт, ҳодиса ҳақида янги маълумот олиш кўзда тутилган хабар-интервьюлар, муайян воқеликка ойдинлик киритишига қаратилган, аниқлаш мақсадида

¹⁹ Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000. С.81.

килинадиган интервью орқали журналист илгари олинган хабарни таҳлил қилади ёки воқеа-ҳодиса билан боғлиқ фактларни аниқлайди. Ёки суҳбат-фикр-мулоҳазадан жамоатчиликнинг эътиборида бўлган, шунингдек журналистнинг ҳам бефарқ қолдирмаган муаммога суҳбатдошнинг фикри орқали ойдинлик киритади. Интервью – текширув орқали эса асосан зиддиятли вазиятларда унинг асосий ўзагини, бўғинини топиб, барча жиҳатларини аниқлаштирадиган мутахассис ёки мутасадди билан биргаликда олиб бориладиган журналист фаолиятидир.

Интервью тартибига кўра бир киши савол беради, иккинчиси жавоб. Саволнинг фақат журналист бериши факт бўлмагандай, берилган саволга жавоб беришнинг мажбурлиги ҳам факт эмас. Интервью олувчининг мақсади суҳбатдошнинг нимани ўйлаши, нуктаи назарини, фикрини аниқлаштиришга қаратилади.

Интервью олувчининг, яъни журналистнинг вазифаси – аввал суҳбатдош билан суҳбатлашиб, кейин ёзишдир. Қаҳрамон шахсини аниқ очиб беришга йўналтирилган интервью ёки муаммоли вазиятни ўрганиш учун бевосита суҳбатнинг ўзи кифоя қилмайди. Интервью олувчининг муҳим вазифаларидан яна бири – бу суҳбатдошни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Интервью жанрининг ўзига хослиги шундаки, аудитория у орқали ахборотни тез қабул қилади, фактларни тушуниш, идрок этиши осон кечади. Шунингдек, журналист томонидан берилган саволга қайтарилган жавоб соҳа мутахассиси томонидан берилаётганлиги учун унга кўпчилик ишонади. Чунки журналист берган ахборотдан кўра, респондент айтган хабар, маълумотнинг таъсир доираси кучли бўлади.

Рус тадқиқотчиси Т.В.Шумилиннинг “Не могли бы рассказать метод интервью в журналистике” деб номланган китобида интервьюга тайёргарлик кўришнинг муҳим шартларидан бири сифатида саволларнинг ишлаб чиқилганлиги кўрсатилади. Мазкур китобда келтирилишича, саволлар **шаклига кўра:** очиқ, ёпиқ, бевосита, билвосита, шахсий ва шахсий

бўлмаган; **вазифасига кўра:** асосий, назорат қилувчи, мавҳ этувчи; **суҳбатдошга таъсир этишига кўра:** холис, қуюшқондан чиқарувчи турларга бўлинади. Шунингдек, суҳбатнинг самарали чиқиши нафақат журналистнинг топқирлиги, жиддий тайёргарлиги, балки суҳбатдошининг ҳозиржавоблиги ва саволларни қай даражада тушиниши белгилайди. Девид Рендалл ўзининг “Универсал журналист” китобида энг яхшиси, саволларнинг соддалигидир, муҳими мулоқотни бошлаб олиш, қолганларини интервью ичида бериб бориши мумкинлигини таъкидлайди.

Журналистлар томонидан ишлаб чиқилган саволларнинг ҳар бири йўналиши, шакли, мазмуни, мақсадига қараб муайян вазифани бажарса-да, аммо интервьюнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб уни бир неча кўринишларини таснифлаш мумкин. Булар қуйидагилар: тўғридан –тўғри саволлар, билвосита, мантикий тўғри, мантиқан нотўғри, йўналтирувчи, саволлар, шубҳали, таъсирчан, шахсий саволлар, мавзудан ташқари ва аксинча мавзуга оид саволлар, аниқловчи ёки тўлдирувчи саволлар.

Интервьюнинг бориши, юзага келган вазиятга қараб ҳам саволлар бир неча турларга бўлинади. Булар: очик ва ёпик, кутилган ва кутилмаган, жавоби олинган маълум бўлган саволлар, суҳбатдошни чалғитувчи ҳамда такрор саволлар.

Саволларнинг олдиндан тузилганлиги интервью олувчи журналистнинг ўзига бўлган ишончини оширса, суҳбатдошни муайян чегарада ушлаб туради. Чунки шундай суҳбатдошлар бўлиши мумкинки, улар битта саволга жуда узоқ гапириши мумкин.

Интервьюда суҳбатдош учун саволлар қанчалик муҳим бўлгани сингари, журналист учун бериладиган жавоблар ҳам шунчалик муҳим. Шу маънода саволларнинг бир неча турларини кўриб ўтганимиздек, жавоблар ҳам бир неча турларга бўлинишини эътироф этиш керак. Булар қуйидагилар:

- тўғридан-тўғри жавоблар;
- позитив ёки негатив жавоблар;
- мантиқсиз, мужмал жавоблар;

- қисқа ва тушунарсиз жавоблар.

Интервьюда савол-жавоб қанчалик муҳим бўлганидай, бир пайтнинг ўзида шунчалик номуҳим ҳам ҳисобланиши мумкин. Яъни аниқ бир мавзу доирасида бошланган интервьюда баъзан умуман савол жавоб бўлмай, фақат ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашинади. Бу билан айтмоқчи бўлганимиз, шакл ва мазмун жиҳатидан интервьюнинг ўз кўриниши, талаблари, қоидалари бўлгани сингари, булар қатъий қотиб қолган қонуниятлар эмас. Яъни интервью олаётган журналист берган саволларга жавоб бериш суҳбатнинг мажбурияти эмас, агар у хоҳласа жавоб беради, хоҳламаса йўқ. Шу нуқтаи назардан интервьюнинг жонли, самимий ва самарали чиқиши кўп навбатда журналистнинг маҳоратига боғлиқ.

Журналист интервью олишда маълумот олинаётган одамга ўша воқеа, ҳодисанинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни ўз вақтида бера олиши ва уларга тегишли жавоб ола билиши лозим. Журналист мўлжалга урадиган қисқа, лўнда саволлар бериб, суҳбатдошдан ҳам шундай жавоб олишга эришиш лозим. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервьюни бузади, унинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими, кўпчиликка, жамоатчиликка янгилик, янги факт, янги маълумотлар етказишдир”.

Янгиликлар учун керак бўладиган ким, нима, қачон, қаерда, қандай қилиб, нима учун, деган саволлари интервьюда ҳам аввалгидай аҳамият касб этади. Агар интервью бирор ҳодиса рўй бергач олинса, саволлар мантикий кетма-кетликда берилади. Интервьюда саволлар қисқа, лўнда, аниқ бўлиши керак.

Интервьюга тайёргарлик кўриш жараёнида саволларнинг тузиб олиниши масаласи журналистлар орасида кенг мунозарага сабаб бўлади. Чунки олдиндан тузиб олинган саволларнинг психологик аҳамияти катта бўлишига қарамай, аксарият журналистлар уларни олдиндан тузилганлиги учун ҳам интервьюни эркин ташкил этишга ҳалақит беради, деган субъектив қараш устунлик қилади. Бундай қарашнинг бўлиши табиий. Чунки журналист мавзунини, суҳбатлашиши керак бўлган қаҳрамон шахсини ўрганганлиги учун

Ўзини эркин интервью олишга тайёр сезиши мумкин. Аммо савол тайёрламаслик ҳам мантикий жихатдан тўғри эмас. Гоҳида интервью олмоқчи бўлган қаҳрамонни яхши ўрганган журналист ҳам суҳбат чоғида “ковун тушириб” қўйиши мумкин. Айнан шундай журналистлар бутун журналистларга бериладиган баҳога сабабчи бўлиб қоладилар. “Шу журналистларга хайронман, “Қачон ижодга кириб келгансиз?”, “Оилангизни таъсири қандай бўлган”, “Шу лаҳзада нимани ҳис қилияпсиз?”, “Агар ҳаётни қайтадан бошлаш имкони бўлганда, қандай бошлаган бўлардингиз?”, каби сийқаси чиққан саволлардан нарига ўтолмайди. Улар китоб ўқийдиларми, ҳеч газета-журналларни варақлайдиларми? Бу журналистлар шу ерликми ёки бошқа жойдан келишганми...”деб юборасан ” деганди таниқли сўз устаси Ортик Султонов ўзаро суҳбатларнинг бирида. Шунинг учун интервьюни ҳеч бўлмаганда рисоладагилай савол билан бошлаш учун ҳам савол керак. Қолаверса, интервьюга тайёр журналистни кўрган суҳбатдош у билан ҳисоблашади. Ўзини интервью беришга мажбур деб ҳисоблайди. Мутахассислар эса саволнинг нима учун муҳимлигини шундай изоҳлайдилар: Биринчидан, савол тузиб олиш журналистнинг интервьюга қайсидир маънода тайёрлигини, руҳий хотиржамлигини таъминлайди. Иккинчидан, суҳбатдошнинг мавзудан четга чиқиб кетишини чегаралайди. Учинчидан, суҳбатдошга саволлар орқали аниқ кўрсатма беради, уни фактлар, далиллар орқали гапиришга ундайди. Рус шоири Андрей Вознесенский ўзининг бир шеърида “ҳақиқат жавобда эмас, берилаётган саволда” деб ёзган эди. Демак, саволнинг моҳияти жавоб талаб қилишидадир.

Шу ўринда амалиётчи журналист Девид Рендалл ўзининг “Универсал журналист” китобида энг яхшиси, саволларнинг соддалигидир, муҳими интервьюни бошлаб олиш учун муносиб саволни топа олишда, қолганларини суҳбат ичида бериб бориши мумкин.

Журналист ўз интервьюсининг қандай кечишини олдиндан аниқ режалаб олиши зарур. У интервьюни оддий саволлар билан бошлаб мураккаб

саволларни охирида бергани мақсадга мувофиқ. Журналист суҳбатдош ўзини эркин ва бамайлихотир ҳис қилиши учун қулай муҳит яратиши зарур.

Интервьюни журналист бошқаради. Шу билан бирга ўзи билан суҳбатлашишга келган қаҳрамонларнинг ҳам шахс эканлигини унутмаслик керак. Баъзилари гапга уста сўзамол бўлади, баъзилари аксинча, “оғир карвон” зўрға гапирадиган бўлиши мумкин. Сўзамоллар бир икки “чўкиш”да журналистга гап бермай қўяди, ўзи билмаган ҳолда у бошқарув пультини суҳбатдошига бериб қўяди. Баъзан аксинча суҳбатдош гапиролмай, журналист жавоб ололмай қийналади. Бунжай жараёнлар ҳақида Мария Лукина шундай дейди: “Ҳар бир интервьюда маълум бир мавзу ва қаҳрамон бўлади. Журналист қаҳрамон ортидан эргашмаслиги, балки уни ўз ортидан эргаштира олиши зарур. Саволлар ҳам унга мос келиши зарур. Ўз даврининг буюк файласуфи Гёте айтганидек, ҳар ким қандай эшитса, шундай қабул қилади. Интервьюда ноаниқликлар бўлмаслиги учун ҳар бир фактни респондентдан сўраб суриштириш керак. “Интервьюга тараддуд кўраётган журналист шу тўрт нарсани ёдида тутсин”- дейди Лорд Морли “Мулоқотда 3 нарса муҳим: Ким гапиряпти? Қандай гапиряпти? Нимани гапиряпти? Бу саволлардан энг зарури суҳбатдош нимани гапириб бераётганига журналистнинг муносабатидир. Ҳар бир журналистнинг интервьюдан аниқ бир мақсади бўлади. Бу мақсад суҳбатдошининг фикрларини ўқувчига ҳам инсон ва ўз касбининг устаси сифатида очиб бера олишидадир”.²⁰

Интервьюнинг ички тузилишига келсак, унинг қандай бўлиши унга асос бўлган мавзудан ва журналист танлаган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Журналистлар интервьюга жуда кўп вақт сарфлашади. Бунда ҳам маълум даражада асос бор. Сабаби айнан интервью жанри ўзининг жонлилиги ва табиийлиги билан информацион жанрлардан ажралиб туради. Шунингдек, айнан интервью бошқа жанрлар қоришмасида кела олади. Дейлик, хабар, мақола, корреспонденция, шарҳ ҳамда журналист

²⁰ Лукина.М.Технология интервью. - М., 2005. –С. 100.

суриштируви каби турли хил жанрларда айнан ахборот манбаларидан интервьюни берилиши интервьюнинг кенг кўламли эканлигидан далолатдир.

Интервью жонли мулоқот бўлганлиги сабабли биз юқорида унинг тайёрланишга тааллуқли бўлган муайян талабларни кўриб чиқдик. Демак, бу талабларни журналист яхши билиши, амалий фаолият жараёнида унларни эътибордан четда қолдирмаслиги жуда муҳим. Бир сўз билан айтганда, журналист олдига қўйган аниқ мақсадга таяниб, интервью жараёнида муайян масала ёки воқелик билан боғлиқ маълумот ҳақида мутахассис фикри орқали оммага хабар беради.

1.3. Интервьюнинг ахборот самарадорлигига таъсири.

Журналист суҳбатдоши ҳақида тўплаган материалларидан қисман фойдаланса-да, бу интервью самарадорлигини таъминлайди. Журналистика ижодий ҳамда индивидуал фаолият бўлганлиги боис, албатта интервьюга қадар интервью композициясини тасаввур қилиши лозим. У орқали журналист қаҳрамони феъл-атворидаги ўзига хос хусусиятларни, у ҳақидаги ижобий ва салбий маълумотларни, таржимаи ҳолига тааллуқли бўлган ўта шахсий фактларгача билиб олади. Бу жараёнлар журналист томонидан интервьюга тайёргарлик кўришининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Интервьюга тайёргарлик кўриш жараёни қанчалик муҳим бўлса, уни ўтказиш жараёни ҳам шунчалик аҳамиятга эга. Унда кийиниш маданияти, суҳбатдошларнинг ёш нисбати, шунингдек, замон ва макон, суҳбатга киришишда мақом, мавқе деган тушунчаларни инобатга олмоқ зарур. Масалан ёш нисбати шундаки, жуда ёш эндигина иш бошлаган журналистнинг ёши катта, кекса кишилардан интервью олиши ўзини у қадар оқламайди. Чунки уларнинг муайян масалалардан дунёқараши, ёндашувлари ўзгача бўлади. Бу айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Интервьюда қатнашчилар бирин-кетин гапирадilar. Аммо унда журналистнинг вербал иштироки жуда кам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Яъни интервьюда журналист яхши гапирувчи эмас, “тўғри” тингловчи

бўлиши муҳим. Агар турли қочиримлар, ўринсиз саволлар орқали респондентнинг фикрлари бўлинавερса, ҳеч қачон интервью самарали чиқмайди. Шу боис, журналист суҳбатдошини тушунадиган ва эшитадиган яқин кишисига айланиши керак. Журналист қанчалик суҳбатдошини тингласа, улар ҳам ўзларининг шахсий тушунчаларини тўлақонли очиб берадилар. Демак, журналист ва қаҳрамон орасида бўладиган интервьюда суҳбатдош учун тингловчининг ўрни жуда катта. Асосийси, журналист асабий ва қизиққон бўлмаслиги шарт. Бир сўз билан айтганда, тўғри тинглай олиш журналистнинг профессионал маҳоратидан даракдир. Тинглашнинг ҳам ўз навбатида икки хил: рефлексив ва норефлексив турлари бор.

Рефлексив тинглаш, журналистнинг интервью олиб бориш усулини белгилайди. Бунда журналист суҳбатдоши билан фаол тарзда мулоқот олиб боради. Бундай усулдаги интервьюда тинглаш журналист ахборотларнинг қай даражада ҳаққоний эканлигини текшириш учун амалга оширилади. Рефлексив тинглашда ахборот олиш учун журналист аниқлаштирувчи саволлардан фойдаланади. Бунда интервью жараёнида суҳбатдошнинг кўп қўллайлиган сўзлари ёки ибораларни сўраш орқали аниқлаштиради. Суҳбатдош ҳиссиётларини қай даражада тушунаётганини сўз орқали тавсифлайди ҳамда шахс ҳақидаги маълумотларга кўпроқ таянади.

Норефлексив тинглашда эса журналист иложи борица кам сўзлайди ва техник воситаларини кам қўллайди. Интервью қаҳрамонининг бутун ҳиссий кечинмаларини кўнглидан ўтказиб, юраги тўлиб, тилига чиқармагунча ахборот олиш тўхтатилмайди. Чунки суҳбатдош қачон хоҳласа, ўшанда гапиради. Бу вақтда журналистнинг кутишдан бошқа чораси йўқ. Ҳозирги журналистлардан Иқбол Қўшшаева, Адиба Умирова, Нигора Умарова, Толиб Исрилов, Сурайё Мансурова сингари журналистлар шундай норефлексив усулдан кўп фойдаланади.²¹

²¹ 3.30. Тошмуҳамедова Л. Оммавий мулоқотнинг матний-услубий ўзига хослиги. Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари. — Т.: ЎзМУ босмаҳонаси, 2013. Б.15.

Интервьюга жон бағишлаш, суҳбат маромига мос саволлар бериш учун журналистда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак. Интервьюга тайёргарлик кўриш, саволлар тузиш-у, уни ёдлаб олиш бу ишнинг ярмидир. Ўз суҳбатдошини жон қулоғи билан тинглаш бу муваффақиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир. Жуда изчил тайёргарлик натижасида журналист ўз саволларини шунчаки бефарқ бериши ёки суҳбатдошининг жавобларини тингламаслиги мумкин. Бундай муносабатдан бир маромли, совуқ интервью туғилади. Тинглаш қобилиятига эга бўлган журналист айти чўғда вазиятдан чиқиб кетиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим.

“Кўп ҳолларда ҳамма нарсани ҳам тушуниб ета олмайман – дея тан олади “Комсомольская правда”газетаси шарҳловчиси Я.Галованов, – менимча, бу журналист учун табиий ва қонунийдир. Бироқ жавоб олишни истаган саволлар моҳияти билан олдиндан танишиб чиқмасдан лаборатория ёки олимдан интервью олишга асло ошиқмайман. Бу иқроф ўртамиёна журналистни эмас, балки Бауман номидаги олий техника билим юртини битирган, илмий-текшириш институтида иш тажрибасига эга, фан ва техника соҳасидаги кенг масалалар билан шуғулланувчи мутахассисга, ОАВ соҳасида катта шуҳрат қозонган журналистга тегишлидир. Бу журналист ўз суҳбатдошлари – олимлардан: “Мен билан суҳбатлашганда ўзини синф ўқувчисининг билим даражасидан ошириб юбормаслигининг сўрайман, чунки “Комсомольская правда” ўқувчиларининг катта қисми билим даражаси шундайдир. Мен билан эмас муштарийлар билан суҳбат қуришининг хоҳлайман,- дейишдан ор қилмайди.

Интервью жараёнида меъёрга яратилган муҳит ва ўзаро илиқлик интервьюнинг самимийлигини таъминлайди. Бунда журналистлар амал қилиши лозим бўлган муҳим ички қоидалар бор. Аввало интервьюда имкон қадар мавзудан четга чиқилмайди. Суҳбатдошларнинг розилигисиз журналист диктофондан фойдаланмайди, блокнотга ёзмайди. Суҳбатдошга кетма-кет саволлар бермайди, гапираётганда сўзини бўлавемайди ва кўпроқ тинглайди. Интервьюда журналист маҳоратининг аҳамияти, суҳбатдошининг

мавзудан четга чиқишга йўл қўймаслиги ва уни суҳбатга қайтаришни моҳирона амалга ошириши керак.

Интервьюга тайёргарлик кўриши жараёнида муваффақиятли бўладими ёки йўқми олдиндан тузиладиган саволлар журналистнинг ўйлаган мавзуси, режаси, дастури, эришган натижасининг сифатини белгилайди. Бунда бўлғуси суҳбатдошни қандайдир сабаблар туфайли ноқулай аҳволга солиб қўймасликни ўйлаб, имкон қадар саволларни аниқ тузиш муҳим. Бу қайсидир маънода “ўзига ёрдам” беришнинг усулларида бири ҳисобланади. Чунки нафақат мавзу жиҳатдан, балки психологик жиҳатдан тайёргарлик орқали суҳбатнинг эркин боришига шароит яратиш фавқулудда заруратдир.

Шу ўринда ҳар қандай журналистик асарнинг асосини билим ташкил этишини яна бир бир таъкидлашни истардик. Гарчанд техник жиҳатдан интервью шаклан осон бўлиб кўринса-да, билимдонлик унинг муаллифларига фақат фойда беради. Бу дегани журналист интервью жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлиги намойиш этиш дегани эмас. Журналист ва ресципиент орасида бўладиган интервьюда суҳбатдош учун тингловчининг ўрни жуда катта. Шу боис, суҳбатдошга савол берган журналист, уни тўғри тинглашни ҳам билиши зарур. Бу журналистнинг профессионал маҳоратидан дарак беради.

Интервьюда журналистнинг мақоми интервью мавзуси ва мақсадини белгилашда ташаббускор бўлиш ҳамда нутқий фаолиятнинг айнан шу мақсадга мос тарзда кетишини – ҳамкорлигини таъминлашни бошқаришдан иборат. Мақсадга етмоқ учун суҳбатдошнинг шахсий ва ижтимоий мақомини, ҳаётини нуқтаи назарини, воқеликка муносабатини ҳурмат қилиш ҳам муҳимдир.

Шундай қилиб, журналистик фаолиятда интервьюнинг тутган ўрнини иккита аспектда яъни ахборот олиш усули сифатида ҳамда ахборот жанри намунаси сифатида муҳим эканлигини эътироф этган ҳолда уларнинг ичида интервью жанрининг ўрни ва аҳамияти, унинг бошқа жанрлардан фарқ қилувчи жараёнлардаги ўзига ҳослигини, жанр сифатидаги муҳим

хусусиятлари ва уни ташкил этишга жиддий тайёргарлик кўришни тақозо этишини биринчи бобда кўтарилган масалалар мисолида кўриб чиқиб қуйидаги хулосаларга келдик.

Ҳозирги замонавий журналистиканинг ижод маҳоратида жанр тушунчаси бор экан, ўзини шаклан сақлаб қолган жанр сифатида интервьюни кўрсатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан бугунги журналистикани интервьюларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Журналистиканинг ахборот жанрлари сирасига кирувчи, муайян мақсадда, аниқ бир мавзуга бағишланган интервью – мулоқотнинг бир кўринишидир. Журналистик асарлар орасида интервью содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида уайян мавзуга оид янгиликларни шахс орқали беришда, мавзуга ойдинлик киритишда, маълумотларни олишда ва шахс сифатида суҳбатдошнинг фикрлари, шахсий мулоҳазалари орқали ҳаёт ҳақиқатини аниқлашга хизмат қилади.

Журналистик асар сифатида интервьюнинг ўз қонуниятлари, талаблар бор. Унда мавзунинг ўрганиш, қаҳрамон танлашдан тортиб, жараёнга турли йўللار ва усуллар орқали тайёргарлик кўриш интервьюнинг самарали чиқишида жуда катта аҳамиятга эга. Афсуски, амалиётда журналистлар бу қонуниятларга кам эътибор берадилар. Шу билан бирга интервью жараёнида иштирок этувчиларнинг бажариши лозим бўлган ўз вазифалари, мажбуриятлари, шунингдек ҳуқуқ ва манфаатлари бор. Иккала томон ҳам ана шу ҳуқуқ ва манфаатлардан келиб чиқиб интервью жараёнида иштирок этишлари орқали интервьюнинг жонли чиқишига, ахборот самарадорлигини таъминлайди.

2.БОБ. ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

2.1. Мавзу танлаш ва саволлар изчиллигининг самарли интервьюга таъсири

Интервью доимо кутилмаган вазиятларга бой бўлади. Шунинг учун уни муайян қолипга солишнинг имкони чегарланмаган. Шунга карамай, ҳар қандай вазиятда интервью бошқарувчиси – журналистнинг ички маданияти, билими, тажрибаси ва албатта тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Журналист аввало суҳбатдошини танлашда чуқур ўйлаши ва у билан интервью зерикарли чиқишидан қочиши керак. Д.Рендалл, ўзининг “Қасбий маҳорат сари тўрт қадам” номли китобида бу борада интервью муаллифларига қуйидагича маслаҳат беради:

- аввало ким билан суҳбатлашмоқчи эканлигингизни аниқлаб олинг;
- ҳар бир интервьюда, аввало юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ёки ноқулай вазиятлар ҳақида ўйланг. Сиз ёритмоқчи бўлган мавзу суҳбатдошингизга нечоғлиқ яқин, у ўзи гапираётган маълумотни қаердан олган, сиз суҳбатдошингизга нисбатан қандай муносабатдасиз, у рост сўзлаяптими?;
- интервью давомида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланишга шошилманг²².

Ушбу тавсияларнинг ҳар уччаласи ҳам бир-бири билан боғлиқ. Шу билан бирга мунозарали ҳам. Гарчанд интервьюнинг шакл ва мазмуни билан боғлиқ қоидалар, таърифлар бир хил бўлсада, ҳар бир интервью жараёнининг ўзи индивидуал ҳодиса. Савол-жавоб қонуниятларига амалга қилгани боис, шаклан бир-бирига ўхшаса-да, мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, интервьюга қаҳрамон танлаш ҳақида гап кетганда чалғитувчи бир ҳолат мавжуд. У ҳам бўлса журналист аввал қаҳрамон топиши керакми ёки интервью мавзусини белгилаб олиши керакми? Агар қаҳрамон аввалдан топиладиган бўлса, журналист ўйлаган мавзуда гапира олиш-олмаслиги

²² Рендалл Д. Профессионализм сари тўрт қадам. Амалий қўлланма. – Тошкент. 1994. –Б. 37.

масаласи номаълум қолади. Аввал мавзу танлаш керак бўладиган бўлса, журналист мавзуга мос қаҳрамон топа оладими? Балки топган қаҳрамони у ўйлаган мавзуни очиб бера олмас. Шунинг учун бу масалани журналист мавжуд вазиятдан келиб чиқиб ўзи ҳал қилгани маъқул.

Интервьюга тайёргарлик кўриш мулоқот қонуниятларига кўра, интервью мавзу танлаш ва қаҳрамонни ўрганишдан бошланади. Бунинг учун танланадиган шахснинг дўстлари, қўшнилари, кариндош-уруғлари, ҳамкасблари билан журналист гаплашиб чиқиши суҳбатдошнинг шахсини белгилашда муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бўлғуси суҳбатдош ҳақида чиққан мақолалар, унинг яратган асарлари, қилган ишлари, бир сўз билан айтганда фаолияти билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга интервьюнинг журналистлар амал қилиши лозим бўлган муҳим ички қоидалар бор. Журналист интервьюга тайёргарлик кўриш жараёнида ўзи олиб чиқмоқчи бўлган мавзуни аниқлаштириб олиш керак ва жараёнда имкон қадар мавзудан четга чиқмаслиги зарур. Шу билан бирга суҳбатдошга кетма-кет саволлар бермай, аввал берилган саволга жавоб олгандан кейин, иккинчи ёки навбатдаги саволни бериши, суҳбатдоши гапираётганда унинг сўзини бўлавемай, кўпроқ тинглаши лозим бўлади. Бу кўпроқ, телевидение ёки радио интервьюларда кўзга ташланадиган камчилик. Матбуот нашрларида деярли бундай ҳолат учрамайди.

Интервьюда журналистнинг мақоми мавзу ва мақсадини белгилашда ташаббускор бўлиш ҳамда нутқий фаолиятнинг айнан шу мақсадга мос тарзда кетишини — ҳамкорлигини таъминлашни бошқаришдан иборат. Мақсадга етмоқ учун қаҳрамоннинг шахсий ва ижтимоий мақомини, ҳаётий нуқтаи назарини, воқеликка муносабатини белгилаб олиш муҳимдир.

Шундай қилиб, интервьюга мавзу қандай танланади? Бу саволга жавоб беришдан аввал бугунги матбуот нашрларида учрайдиган интервьюларда қандай мавзулар етакчилик қилади, деган саволларга ойдинлик киритиш лозим. Аввало, таъкидлаш жоизки, ҳар бир нашрнинг номи, тарқалиш ҳудуди, аудиториясининг кўламига қараб бир умумий соҳага ихтисослашади.

Масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси маданият соҳасига, “Маърифат” газетаси таълим соҳасига, “Қишлоқ ҳаёти” газетаси аграр соҳаларга ихтисослашган. Тадқиқотимиз объекти бўлган икки нашр: **“Оила ва жамият”** ҳамда **“Оила даврасида”** газеталарининг умумий йўналиши асосан жамиятда оила билан боғлиқ бўлган барча соҳалар, асосий кўтарадиган мавзулар – оила билан боғлиқ масалалардир.

Жамиятда оиланинг тутган ўрни, ривожланиши, қадариятлари, мавжуд муаммоларини ёритиш ҳар икки газетанинг асосий мақсадлари саналади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳар икки нашрда чоп этилган интервьюларда кўтарилган мавзуларда, албатта оила билан, фарзанд тарбияси, урф-одатларга муносабат билан боғлиқ масалалар борлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Ўрганиш объектимиз бўлган **“Оила ва жамият”** ҳамда **“Оила даврасида”** газеталарида тадқиқотимизнинг назарий қисмида тўхталиб ўтган интервьюлар ҳар беш тури ҳам учрайди. Уларнинг мавзусига эътибор берадиган бўлсак, ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳамда бевосита оила ва унинг аъзоларига тааллуқли бўлган барча масалаларни қамраб олинган. Қайд этиш лозимки, ҳар икки газетада ҳам интервью турлари ичида монолог-интервьюлар кам учрайди. Шунга қарамай, уларда жамиятда кечаётган жараёнларда фаол иштирок этадиган шахсларга куннинг энг долзарб масаласи ёки муаммоси билан боғлиқ битта аниқ мавзу кўтарилиб, бу борадаги реал ҳолатга ойдинлик киритилади. Мисол учун **“Оила ва жамият”** газетасининг 2018 йил 28 феврал, 9-сонида “Бугуннинг гапи” рукни остида “Дунёда болам деб яшайди ўзбек” сарлавҳали интервью чоп этилган. Мазкур интервью Ўзбекистонда “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг ташкил этилганига 30 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган бўлиб ассоциация раиси Инқилоб Юсупованинг фикрлари монолог тарзида берилган. Худди шундай интервьюларни **“Оила даврасида”** газетаси саҳифасида ҳам кўп учратиш мумкин. Мисол учун, газетанинг 2017 йил 7-сентябрь, 36-сонида “Таътилдан чарчаб қайтдим”

сарлавҳали монолог –интервьюда меҳнат таътилидан кейин рухий ва жисмоний ҳордикдан сўнг яна ишга киришишнинг мушқуллиги, яъни “таътилдан кейинги синдром” тушунчаси ҳақида психолог Дилдора Шаропованинг фикрлари берилган. Газетанинг 2017 йил, 10 август, 32-сонида “Навоийни ўқисам, кўзимга ёш келарди” сарлавҳали монолог интервьюда Шайх Абдулазиз Мансурнинг китоб ва китобхонлик масаласи бўйича муносабатлари очиб берилган. Газетанинг 2017 йил 12 октябрь, 41-сонида Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг “Китоб мен учун сирли симфония” сарлавҳали мақолада ҳам китобхонликнинг инсон комолотидаги ўрнини таникли санъаткор ўзининг ҳаёти мисолида таърифлайди. Бундай турдаги интервьюларда мавзунинг аниқ қўйилганлиги ва унга бевосита мутахассиснинг жавоб берганлиги ўқувчида шу мавзунинг камраб олган масалага нисбатан ишончни орттиради. Ўқувчининг эътиборини тортган мавзу юзасидан мутахассиснинг фикрлари ахборот самарадорлигига хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар иккала газетада ҳам интервью диалогларга кенг ўрин берилган. Айниқса, бу борада **“Оила даврасида”** газетаси олдинда десак, муболаға бўлмайди. Бунинг сабаби балки газетанинг ўн олти саҳифада чоп этилиши, “Оила ва жамият” газетасида эса камроқ эканлиги, унинг саккиз саҳифали эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу “Оила даврасида” газетасига кўпроқ имконият беради. Мазкур газетанинг деярли ҳар бир сонидан иккита, баъзан учта бундай турдаги интервьюлар чоп этилган. Ҳатто жамиятнинг энг қизғин, долзарб масалалари бўйича махсус рукнлар ташкил этилиб, уларда мунтазам равишда соҳа вакиллари билан интервьюлар уюштирилган. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, “Даромад манбаи”, “Аниқ саволга аниқ жавоб”, “Бу - долзарб”, “Саломатлик ва гўзаллик”, “Сиз кутган суҳбат” рукнларида фақат интервьюлар бериб борилганю Мисол учун газетанинг 2017 йил 14- сентябрь, 37-сонидан “Даромад манбаи” рукни остида “Таваккалдан чўчимаган тадбиркор” сарлавҳали интервьюда муаллиф Ноила Ахадова бекободлик тадбиркор Маҳмуд Мамановнинг фаолиятини

йўлга қўйиб, меҳнат орқали даромад топишнинг йўллари ҳақида суҳбатлашган. Яна шу рукнда тадбиркор Дониёр Холжигитов билан қилинган “Гул бир ён, ақча бир ён” (Ноила Аҳадова. 2017 йил, 23 ноябрь, 47-сон), бекободлик тарбиркор Абдуманнон Ғойибназаров билан қилган “Бўш вақтда миллион топиб” (Ноила Аҳадова. 2017, 5-октябр, 40-сон), тадбиркор Алишер Исматов билан қилган “Даромади бизга, натижаси томорқачига” (Ноила Аҳадова. 2017 йил, 30 ноябрь, 48-сон.) термизлик хунарманд Дилафруз Валлаева билан қилинган “Кўзни қувнатадиган машаққат” (Ноила Аҳадова. 2017, 21 декабрь 51-сон), “Жамолиддин барака замини” фермер хўжалиги раҳбари Салим Пардаев билан қилинган “Қишда ҳам караб турмаймиз” (Нурпўлат Нурқулов. 2017, 28 декабрь 52-сон.) ҳамда яна шу сонда тадбиркор Гуландом Жумаева билан қилинган “Гектаридан 500 миллион сўм” (Ноила Аҳадова) ана шулар жумласидандир.

Газетанинг “Аниқ саволга аниқ жавоб” рукнида ҳам қатор интервьюлар чоп этилган. Масалан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаш юридик хизмат бўлими мудир Илҳомжонов билан қилинган “Навбат кутиб ўттиздан ошганлар”, (Шаҳноза Раҳимхўжаева. 2017, 9 ноябрь 45-сон), “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Абдуҳамид Каримов билан қилинган “”Стандартдан ўтказишга ортиқча пул талаб қилинса...” (Улуғбек Жумаев. 2017, 7-сентябр, 36-сон), “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ботир Зарипов билан қилинган “Сифатсиз қурилган уйлар учун ким жавоб беради?” сарлавҳали интервью (Улуғбек Жумаев 2017, 10-август, 32-сон), Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Стратегик ривожлантириш департамент бошлиғи Бегзод Раҳимов билан қилинган “Микрокредитлар кимларга берилмоқда?” (Нурбой Ғаффоров. 2017, 26 октябр, 43-сон), “Намунавий уйлар қандай ерга қурилиши керак?” (Улуғбек Актамов. 2017, 5-октябр 41-сон) яна шу сон ва айнан шу рукнда коммунал тўловлар тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги МИБ Энергия манбалари ҳисобини автоматлаштирилган тизимини жорий этишни мониторинг қилиш

бўлими бошлиғи Рустам Раҳимов билан қилинган “Қарзнинг катта-кичиклигига қаралмайди” (Шаҳобиддин Расулов), Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев билан қилинган “Санаторийда кимлар дам олади?” (Зилола Худойбердиева. 2017, 16 ноябрь 46-сон), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жамоатчилик билан алоқалар бўлими бош мутахассиси Гулчеҳра Ашурова билан қилинган “Йилнинг энг яхшилари қаторида бўлиш учун...” (Шаҳноза Раҳимхўжаева) АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов билан қилган “Сифатсиз қурилган уй-жойлар” (Улуғбек Жумаев) сарлавҳали интервьюларда аҳоли ўртасида кенг муҳкома қилинган мавзулар олиб чиқилган.

Газетанинг “Бу – долзарб” рукнида даврнинг энг долзарб мавзуларига эътибор қаратилади. Мисол учун, газета муҳбири Шаҳноза Раҳимхўжаеванинг Ўзбекистон Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов билан қилган “Икки йилда икки касб эгаси ёхуд мактаб битирувчиси меҳнат фаолиятига ҳақли...ми?” (2017, 12 октябрь, 41-сон) сарлавҳали интервьюси, “Кафолат” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Равшан Нарзуллаев билан газета муҳбири Улуғбек Актамовнинг қилган “Суғурталанган фуқаромизга хорижда ёрдам кўрсатиладими?” ҳамда АТИБ “Ипотека банк” Қурилиш ташкилотларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Тошпўлатов билан қилган “Шаҳарларда яна 335 та кўп қаватли уй қурилади” (2017, 2 ноябрь, 44-сон), сарлавҳали интервьюси ана шулар жумласидандир.

“Саломатлик ва гўзаллик” рукнида ҳам аҳоли ўртасида учрайдиган турли касалликлар бўйича тиббиёт соҳаси мутахассислари билан мунтазам интервьюлар уюштириб борилган. Масалан, “Брикет кимларга таъқиқланади?” сарлавҳали интервью орқали муаллиф Озода Валиева ортодонт-стоматолог Қудратилла Убайдуллаевга мазкур масала ойдинлик киритади (2017. 17 сентябрь, 37-сон). Ёки суяк синиши ҳолатлари ҳақида тиббиёт фанлари доктори, профессор Искандар Ходжанов билан қилинган

“Хасталикнинг давоси – бардош” (Шахноза Раҳимхўжаева. 2017, 28-сентябр, 39-сон), тиббиёт фанлари доктори Илҳом Хўжаназаров билан қилинган “Қад-коматнинг букулиши скалиозга сабаб бўлади” (Шахноза Раҳимхўжаева 16 ноябрь 46-сон) сарлавҳали интервьюлари тиббиёт ва саоламатлик масалалари бағишланади.

“Оила даврасида” газетасида чоп этилган яна бир турдаги интервьюлар “Сиз кутган суҳбат” рукни остида бўлиб, улар асосан юртимизнинг таниқли кишилари, олимлари, санъаткорлари билан уюштирилгани билан эътиборни тортади. Гарчанд уларнинг шакли суҳбат кўринишида бўлсада, мазмунан кўпроқ интервью талабларига жавоб беради. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Меҳриддин Раҳматов, билан муаллиф Озода Валиеванинг “Улар кинода ўйнашса, мен самолёт ҳайдайман” (2017 йил 24 август, 34-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Ўткир Ҳасанбоев билан газета мухбири Жасур Кенгбоевнинг “Бой берилган ёшлар қалби” (2017, 17 август, 33-сон), Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов билан журналист Болтабой Матқурбоновнинг “Минорадан улоқтирилган бахши” (2017, 14-сентябр, 37-сон), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Маҳмуд Исмоилов билан Озода Валиеванинг “Санъат боғида ўз гулим бор” (2017, 19 октябрь 42-сон), биология фанлари доктори Иброҳим Абдурахмонов билан журналист Гўзалоӣ Матёкубованинг “Истеъдод “калит”лари онадан ўтади” (2017, 2 ноябрь, 44-сон), бўйича Ўзбекистон чемпиони Турсуной Раҳимова билан газета мухбири Ноила Аҳадованинг “Иккинчи бўлишни истамайман” номли интервьюси, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова билан Озода Валиеванинг “Сабр қиламан, кетса ҳам қайтиб келади” (2017, 7 декабрь 49-сон), филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов билан Гўзалоӣ Маёкубованинг “Ўқишдан мақсад – хулоса чиқариш” сарлавҳали суҳбати (2017, 21 декабрь 51-сон) фикримизга мисол бўлади.

“Оила ва жамият” газетасининг 2017 йил 27 сентябр, 39-сонида иккита интервью берилган. “Тақдирлар” рукни остида журналист Умида Адизова томонидан олинган “Бетоб бўлиб ҳаёт моҳиятини англадим” сарлавҳали интервьюда оғир касалликка чалинган Қашқадарё вилояти Муборак туманида яшовчи Мухаррам Ҳолиқовадан олинган. Газетанинг шу сонида яна “Турунг” рукнида газета муҳбири Нигора Алишер қизининг хонанда Шухрат Дарё билан қилган “Камгап аёлларни ҳурмат қиламан” сарлавҳали интервьюси чоп этилган.

Энди бевосита савол-жавоб қонунияти ҳақида тўхталиб ўтсак. Журналист суҳбатга тайёргарлик кўриши жараёнида керакли саволларни танлаш, уларнинг аҳамияти ва кетма-кетлигини белгилаш асосий вазифадир. Уларни белгилаш умуман журналист чиқишининг муваффақиятини таъминлайдиган масъулиятли палладир. Саволларнинг сони интервьюнинг йўналиши, керакли маълумот ҳажми, мулоқотга ажратилган вақтига боғлиқ бўлади. Вақт мезони эса интерактив ҳодисада муҳим аҳамиятга эга.

Саволлар интервьюнинг талабига кўра одатда қисқа (баъзан кенгрок бўлиши ҳам мумкин), аниқ, тушунарли бўлиши, мавҳумлик, дудмолликдан ҳоли ёки “ҳа”, “йўқ” каби қисқа жавобларга йўл қўймайдиган бўлиши керак, улар оддийдикдан мураккабликка ўсиб борадиган йўсинда тузилиши лозим. Энг мураккаб саволлар эса жавоб бераётган суҳбатдош интервьюга тўлиқ киришганда берилади. Агар интервью давомида мавзунинг қизиқ жиҳатлари очилиб, журналист янги йўналишда гаплашишни зарур ҳисобласа, режалаштирилмаган жиҳатларни очиб берувчи саволлар беради. Уларни олдиндан назарда тутиб қўйган бўлади. Бу ерда ҳамма нарса савол берувчининг қобилиятига, шароитни тушунишига, янги ахборотни баҳолай олишига боғлиқ.

Энди таҳлилга тортилган газеталарда чоп этилган интервьюда саволларнинг қўйилишига эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида “Оила даврасида” газетасининг 2017 йил 14- сентябрь, 37-сонида чоп этилган бир “Даромад манбаи” рукни остида “Таваккалдан чўчимаган тадбиркор”

сарлавҳали интервьюда муаллиф Ноила Ахадова қаҳрамони бекободлик тadbиркор Махмуд Мамановга берган саволлари оддий, анъанавий саволлардир. Мисол учун, биринчи савол ишни нимадан бошлагани ҳақида бўлса, иккинчи савол, бошқаларнинг тadbиркорлик қилишга чўчишининг сабабини сўраган, учинчи саволда, тadbиркор йилига қанча даромад олиши, тўртинчи саволда сарфланган ҳаражат орқали кўрилган даромад қанчалик ўзини оқлаши ва сўнгги савол тadbиркорлик билан шуғилланган қаҳрамон охир-оқибатда нималарга эришгани хусусида бўлган.²³

Бир қараганда жуда оддий саволлар, аммо уларнинг ҳаётийлиги ва бевосита қаҳрамоннинг фаоллиятига тааллуқли бўлганлиги интервьюнинг жонли чиқишини таъминлаган. Ёки газетанинг шу сонида чоп этилган “Брикетлар кимларга таъқиқланади?” сарлавҳали интервью орқали муаллиф Озода Валиева ортодонт-стоматолог Қудратилла Убайдуллаевга мазкур масала билан боғлиқ саволларга оидинлик киритади. Аввало айтиш жоизки, мазкур интервьюда мавзу аниқ бўлиши билан бирган, масала ҳам лўнда қўйилган. Интервью муаллифи Озода Валиева унга ўқувчи эътиборини тортишнинг ўзига хос усулидан фойдаланган. Яъни, агар у сарлавҳани “Брикетлар кимларга қўйилади?” деб номлаганда унчалик ўқувчи эътиборини тормаган бўларди ва фақат тишлари қийшиқ ёки нотўғри ўсгандан азият чекканларнигина ўзига тортарди холос. Аммо у “кимларга тақиқланади” деган иборанинг қўллаши орқали брикетга эҳтиёжи бўлмаганларни ҳам бу мавзуга қизиқтирган. Мазкур интервьюдаги саволларга келсак, улар ҳам оддий. Масалан:

- Брикет қанча муддатга қўйилади?
- Брикет қўйилганда нималар тақиқланади?
- Брикет олингандан сўнг тиш яна аввалги ҳолатига қайтиш мумкинми?
- Кимларга брикет тақиш мумкин эмас?²⁴

²³ “Оила даврасида” газетаси. 2017. 17.09. № 37

²⁴ Ушбу манбаа

Тўртта саволдан иборат интервью орқали брикетнинг тақиш қоидалари ҳақида мутахассисдан маълумот олинди. Ва бу мавзуда кўпчилик билмаган жиҳатларга эътибор қаратилади.

“Оила ва жамият” газетасида юқорида қайд этилган интервьюлар услубий жиҳатдан бир оз бошқача. “Бетоб бўлиб ҳаёт моҳиятини англадим” сарлавҳали интервьюда журналист Умида Адизова Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида истиқомат қилувчи аёлнинг оғир хасталикка чалингани ва уни енинг ўтишда оиласи: тумуш ўртоғи ва фарзандларининг ўрни ва роли асосий планга олиб чиқади. Интервью катта ҳажмда бўлишига қарамай, унда бор йўғи учта савол, фикр савол берилган.

- Матонатингизга қойил қолади, одамнинг...
- Оғир вазиятда атрофиндагиларнинг ҳақиқий юзини кўрасан, дейишади...
- Ҳаётдан норози, ношукур одамларни кўрганингизда кўнглингиздан нималар кечади? ”²⁵

Бу саволлар юқорида учрайдиган анъанавий ёки такрор саволларда фарқ қилади. Иккитаси риторик савол. Гарчанд сўроқ бўлмаса ҳам қаҳрамонни гапиртиришга, журналист бошлаган фикрни давом эттиришга ундайди. Ёки “Оила ва жамият” муҳбири Нигора Раҳмонованинг юқорида келтирган “Камгап аёлларни ҳурмат қиламан” сарлавҳали интервьюда хонанда Шухрат Дарёнинг касбига, санъатга, оила ва аёлларга муносабати ўзига хос акс этган. Интервьюнинг ҳажми бир саҳифа бўлганлиги, муаллиф саволларининг кўпроқ эканлигига изн беради.

Интервьюга тайёргарлик кўриш юзасидан тадқиқот олиб борган изланувчиларнинг ўрганган объектларига қараб бу жараёнлар бўйича ўзларининг хулосаларини турлича берадилар. Шундай тадқиқотчилардан бири Мария Лукина бўлиб, у ўзининг “Интервью технологияси” номли китобида интервьюга аниқ тайёргарлик кўриш қуйидаги босқичларни ўз ичига олишини кўрсатади:

²⁵ “Оила ва жамият” газетаси., 2018, 27. 2018

- Интервьюдан мақсадни аниқлаб олиш ва тўпланган маълумотларни ўрганиш;
- Интервью учун танланган мавзу ва суҳбатдошни ўрганиш;
- Суҳбатни қандай олиб бориш усулини режалаштириб олиш ва асосий саволларни тузиш;
- Учрашув вақти, жойини респондент билан келишиш.²⁶

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, интервьюни самарали чиқишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саволларнинг тўғри тузилганлидир. Бу ҳақда гапиришдан аввал, саволнинг ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтмоқ жоиздир.

Савол – мантиқий шакл бўлиб, ўз ичига муайян ахборотни олади ва фикрлар ҳаракатини бошқаради.

Савол – маълумот ва ахборот олишдаги муҳим восита бўлиб, у интервью олишда компас вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда интервьюнинг қандай кечишини бериладиган саволлар таъминлайди. Интервью давомида берилган савол жавобни талаб этса-да, баъзан кутилмаганда суҳбатдошни жавоб беришдан бош тортишига, баъзан баҳслашиб кетишига бошлаши мумкин. Тўғри берилган савол суҳбатдошни жавоб беришдан қайтара олмайди, уни борини айтишга мажбур қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки Ғарбда аллақачон, бизда эса кейинги йилларда шахсий саволларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу аввало ўқувчилар эътиборини қозониш ахборот саноати ҳамда бозорининг ривожланиши билан боғлиқ. Бу ерда ахборотни бир андозага солиш жараёнининг ҳам таъсири бор. Газеталарда чоп этилган интервьюларда берилган саволларнинг ичида шахсий саволларга ҳам дуч келдик. Юқорида номи қайд этилган “Камгап аёлларни ҳурмат қиламан” сарлавҳали интервьюда Нигора Раҳмонова интервьюни шахсий саволдан бошлайди. Масалан:

²⁶ Лукина.М.Технология интервью.М.,2005. -С. 98.

- Шухрат ака, эҳтимол бу саволни сизга кўп беришгандир, келинг, суҳбатимизни таҳаллусингизга ойдинлик киритишдан бошласак. Нима учун айнан Дарё?
- Асли гастроэнтролог шифокорсиз. Касбингизни ўзгартирадиган даражада санъатни турткилашингизга нима сабаб бўлган?
- Қарашлар, фикрлар сизга тўғри келмайдиган давралар ўзингизни қандай тутасиз?²⁷

Бундай шахсий саволларни табиийки, интервью қаҳрамони ўзига кизитиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, газеталарда чоп этилган интервьюларда асосан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, кўпроқ маданий маърифий мавзулардаги муаммолар кўтарилади. Бу жараёнида ҳар иккала томон, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашади, аудиторияга ахборот етказди. Бу ўринда гарчанд интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушади. Шунингдек, қаҳрамон нисбатан журналистлар имкониятларинг ортиқлиги ҳам унинг савол беришида кўзга ташланади. Саволнинг пухта ўйланган, салмоқли, ўринли эканлиги респондентни гапиришга (азбаройи шу масалага қизиққан, ёки муаммо устида қайғурган бўлса) саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда журналистнинг суҳбатни бошқарувчи сифатидаги функциясини тўлиб бажаришга имкон яратади. Зеро, интерактив мулоқотнинг мазмунли чиқиши кўп жиҳатдан журналистнинг бошқарув пултини қандай тутганига боғлиқ.

2.2. Интервьюда қаҳрамон (ресципиент) шахси ва уни намоён этишда журналист маҳорати

Биз олдинги фаслларда интервьюга тайёргарлик жараёнлари ҳақида тўхталганимизда интервью уюштирмақчи бўлган журналист аввал мавзунини танлайдими ёки суҳбатдошнинг деган саволга жавоб беришга ҳаракат

²⁷ “Оила ва жамият” газетаси. 27.09. 2017. 39-сон.

килгандик. Бу жараёни амалга ошириш журналист кутгандан кўра анча мураккаблигини қайд этмоқ жоиз.

Интервьюга жиддий тайёргарлик кўрилган бўлса ҳам, қаҳрамон танланган бўлса ҳам, аммо бу ҳали ҳамма иш битди, дегани эмас. Олдинда энг катта жараён интервьюнинг ўзи турибди. Уни муваффақиятли ташкил этиш биринчи навбатда журналистга боғлиқ. Бу унинг интервью мавзусини яхши ўрганганлиги ёки қаҳрамонининг яхши танигани билан кифояланмайди. Ҳамма жиҳат бир-бирига тўғри келганда ҳам интервьюда ўзаро мулоқот шунчаки қовушмаслиги мумкин. Бунга сабаб қаҳрамоннинг суҳбатга нисбатан хавотири, совуққонлиги, ишончсизлиги ёки ортиқча кибри бўлиши мумкин. Бу жараёнлар интервью психологияси билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалади. Шунинг учун журналист интервью олмоқчи бўлган қаҳрамоннинг шахси, табиати, феъл-атвори, муомала маданияти, гапириш оҳанги, мимикаларию, интонацияларига нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Айниқса интервью жараёнида қўлланадиган жестларнинг мазмунидан бохабар бўлиши зарур.

Қаҳрамон танлаш масаласида “Оила ва жамият” газетасининг ўзига хос жиҳатлари бор. У ҳам бўлса газета саҳифаларида икки хил тоифадаги қаҳрамонлар билан интервью уюштиралади. Биринчи тоифадаги қаҳрамонлар бевосита содир бўлган муайян бир воқеага дахлдор инсонлар бўлиб, уларнинг фақат шу воқелик атрофидаги фикр-мулоҳазалари акс эттирилади. Иккинчи тоифадаги қаҳрамонлар санъаткорлар, актёрлар, бахшилар бир сўз билан айтганда жамиятнинг хос қатлами вакиллари билан интервью ўтказилади. Интервьюга тайёргарлик кўрувчи журналист ҳам ана шу қаҳрамонининг табиати, дунёқараш, муомаласи билан ҳисоблашади. Шу орқали қаҳрамонининг шахс сифатидаги ўрнини кўрсатиб беришга уринади. Буни биз газета саҳифаларида чоп этилган интервьюлар таҳлили орқали кўриб ўтамиз. Газетанинг 2017 йил, 27-сентябрь, 39-сонида босилган “Камгап аёлларни ҳурмат қиламан” сарлавҳали интервьюда ҳонанда Шухрат Дарё билан газета мухбири Нигора Раҳмонова қўшиқчиликда санъанкор

билими ва дунёқараши, миллий қўшиқчилик санъатидаги муаммолар, уларни ҳал этиш жараёнларида хонанданинг иштироки каби масалалар аторифида олиб борилган.

Аввало, интервью жараёнига журналист ва қаҳрамоннинг ёши ўртасидаги фарқ таъсир қиладими йўқми, деган саволга ойдинлик киритиб олиш керак бўлади. Чунки одатий мулоқотларда ёшлар орасидаги тафовут интервьюнинг қизиқарли чиқишига халакит беради. Шу нуқтаи назардан Шухрат Дарё эллик ёшлар атрофидаги, кўп ўқиган, асли мутахассислиги шифокор бўлишига қарамай, хонандалик билан машғул, адабиётни, айниқса шеърятни яхши тушинадиган, шу билан бирга ҳаётнинг пасту баландининг кўрган, ижодкор шахс. Журналист Нигора Раҳмонова ундан ўн ёшлар чамасида ёшроқ бўлгани билан журналистика соҳасида каттагина тажрибага эга, жамиятдаги турли жараёнларни кузатиб борадиган, кўп ёзадиган (газетанинг деярли ҳар бир сониди мақоласи чоп этилади) ижтимоий ҳаётдаги жиддий, долзарб муаммоларини кўтариб чиқадиган изланувчан журналист. Шу билан ўзи ҳам дурустгина шеърлар ёзадиган шоира, ижодкор шахс. Журналистнинг ижодкорлиги Шухрат Дарёдан қизиқарли интервью олишга жуда қўл келган. Нигора Раҳмонованинг интервьюга тайёргарлик кўргани қаҳрамонини ҳар тарафлама ўрганганлигида, унинг матбуот нашрларида аввал чоп этилган интервьюларини кўриб чиққанида сезилади. Журналист коммуникатор сифатида интервьюни қаҳрамоннинг диққатини жалб қилиш учун бевосита унинг шахсига тааллуқли кўзғатувчи саволдан бошлайди:

“— Шухрат ака, эҳтимол бу саволни сизга кўп беришгандир, келинг суҳбатимизни тахаллусингизга ойдинлик киритишдан боиласак. Нима учун айнан Дарё?..”

Ушбу савол қаҳрамон учун кутулмаган ва шу билан бирга жавоб беришга қийинчилик туғдирмаган. Шунга қарамай Шухрат Дарёнинг ушбу илк саволга жавоби у даражада самимий эмас, бир оз баландпарвоз. Фикримизни тасдиқлаш учун жавобдаги охирги гапларни келтирамиз:

*“...Дарё суви чучук, ундан ҳамма – инсонлар, ўсимликлар, жониворлар бирдек баҳраманд бўлади. Ўз қўшиқларимни яратсам, улар дарёдек тўлқинланиб оқса, минглаб қалбларга оби ҳаётдек сингса, халоват бағишласа деган ниятда шу тахаллусни танланганман”.*²⁸

Жавоб мантиқан тўғри ва кутилган тарзда берилган. Агар интервью шу тарздаги жавоблардан иборат бўлса, журналист ва қаҳрамон ўртасида самимий мулоқот бўлмай, балки интервью расмий бўлиб қолади. Аммо журналист интервьюда томонларнинг иштирокини тенг таъминлаш ҳамда ўқувчига тушунадиган тарзда бўлишини мақсад қилгани боис, кейинги саволни конкретлаштиради.

“ — Асли гастроэнтролог шифокорсиз. Касбингизни ўзгартирадиган даражада санъатни танлашингизга нима туртки бўлган? ”

Қаҳрамон бу борада аниқ бир воқеликни мисол сифатида келтиради.

“ — Шифокорликни танлаган бўлсам-да, ҳаммиша санъат билан яшаганман. Санъаткорлар иштирокида ўтган бир фестивалда олий ўринни қўлга киритдим. Устоз санъаткорлардан бири: “Аллоҳ ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бетакрор овозингиз бор экан. Созандалик маҳоратингиз ҳам тахсинга лойиқ – рубоб, гитара чаларкансиз, мусиқа ёзаркансиз. Сизнинг жойингиз саҳнада”, деган эди. Ҳақиқий санъаткорлар аслида қалб шифокорларидир.”

Интервью борган сари жонланганини саволларнинг мазмун билан боғлиқлигига, жавобларнинг баландпарвозикдан оддийликка, журналист аниқлик киритмоқчи бўлган воқеликни изоҳлашга ва шу орқали қаҳрамон шахсининг, ёндашувининг аҳамияти очиб беришга ҳаракатида кўриш мумкин. Бу нафақат қаҳрамоннинг билимдонлигига, балки журналистнинг ижобий маънодаги қувлиги ва маҳоратига ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Навбатдаги савол фикримизга мисол бўла олади.

“— “Кўйлаклари билан чўмилган қизлар”, “Япон нега юз йил яшайди” каби долзарб мавзуларда қўшиқларингиз бор. Қўшиқ инсон тақдирини

²⁸ “Оила ва жамият” газетаси. 27.09. 2017. 39-сон.

ўзгартириб юборадаиган даражадаги кучга эга, деган фикрга муносабатингиз қандай?”

Журналист берган саволлар бир-бирига мантиқан боғланганлиги қаҳрамонни ҳам ўйлашга, фикрлашга ундайди.

*“— ...”Укам” деган қўшиқни ижро этганимдан сўнг икки йил бир-бири билан гаплашмай юрган ака-укалар ярашиб кетганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Ҳар қандай мавзудаги қўшиқ маромига етказиб айтилса, одамларни яхшиликка етаклайди.”*²⁹

Журналист қаҳрамоннинг ичидан ўтган, ўзи жавобини тушунтирган фикрлари орқали унинг аввало ҳамма қатори оддий инсон эканлигини, шу билан бирга нозик дидли санъаткор, кўнгил одами эканлигини кўрсатиб берган. Бу аслида журналистнинг маҳоратидир. Газетанинг 2017 йил, 20-сентябрь 38-сонида муаллиф Саъдина Бобмуродованинг “Ҳарбий боғ”нинг боғбони ёхуд бахмаллик Жуман ота Нуримов сийратига чизгилар” сарлавҳали репортаж-интервьюси, 2017 йил, 6-декабрь, 49-сонда журналист Ҳамрохон Мусулмонованинг “Маҳалла” жамоат фонди Ўртачирчиқ тумани бўлимининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича Бош мутахассиси Махфуза Халилова билан қилган “Мен, аввало, ўзимни ва маҳалла маслаҳатчисини айблайман” сарлавҳали муаммоли интервьюси ана шундай жонли ва қизиқарли чиққан.

Аммо газетада чоп этилган барча интервьюлар шундай мазмунга эга, деб бўлмайди. Мисол учун газетанинг 2018 йил, 28-март, 14-сонида “Қадрият” рукнида чоп этилган журналист Озода Бекмуродованинг Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳорбахши Раҳимов билан қилган интервьюсида жуда умумий саволлар берилади. Бутун бошли, салкам бир саҳифани эгаллаган интервьюда бор-йўғи учта савол берилган. Аввалига интервьюни ўқиб, суҳбат деган хулосага келгандик. Аммо суҳбатда ҳам аниқ мавзу олиб чиқилиб, уни очиб берилишида савол-жавоб қонунияти устивор бўлиши ва бир-бири билан мантиқий боғланиши талаб этилади. Айниқса, умумий,

²⁹ Ўша манбаа

бунинг устига қолипга тушиб қолган саволлар унинг зерикарли чиқишига олиб келади. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун мазкур саволларни айнан келтирамыз:

“— Қаҳҳор ака, ҳар бир ижодкорнинг хотирасида болалик фасли манзаралари муҳим ўрин тутди. Бугун ёдингиза олисларда қолган болалик баҳори, Наврўз қувончлари қай тарзда гавдаланади?”

“—Отангиз бахшичилик мактабининг асосчиларидан бири, туғма ҳикматли ва сеҳрли овоз эгаси Қодирбахши Раҳимов ҳақида бугун нималарни ёдга олган бўлардингиз?”

“—Қаҳҳор ака, бугун ўзингиз ота, устозсиз! Фарзандларингиз, шогирдларингизга айтар қандай гапларингиз бор?³⁰”

Мана шу уч саволдан иборат интервьюда табиийки, жавоблар ҳам умумий бўлган ва у қаҳрамон тийнати, дунёқараши, шахсини очиб бермаган. Ваҳоланки, қизиқарли интервью тайёрлашда журналистнинг имкониятлари етарли эди. Чунки у қаҳрамонининг бахшичилик мактабидаги ўрни, эришган ютуқлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлганлиги интервьюнинг киришидаёқ кўринган.

“Оила даврасида” газетасида биз юқорида таҳлилга торган интервьюларда, аввало ахборотлилик ва долзарблик тамойиллари устиворлик қилишини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Бу ҳақда гапирганда газетанинг долзарб мавзуларни ёритишда аниқ режа асосида ишлаши сезилиб туради. Бу газетанинг ҳар бир сонидида берилган интервьюлар айнан аниқ режага асосланганида кўринади. Бу интервьюни уюштирувчи журналистларга керакли имкониятларни яратади.

Мазкур бобнинг биринчи фаслида мисол сифатида келтирилган интервьюларда кўзга ташланадиган биринчи жиҳат, уларга қаҳрамонларнинг қаҳрамонлар тўғри танланганлигидир. Биргина қаҳрамоннинг тўғри танланиши, интервью мазмунини белгилайди. Қолаверса, ҳар бир

³⁰ Оила ва жамият”газетаси. 28. 03. 2018. №14.

интервьюнинг мавзуси ва кўтарган масаласи аниқлиги билан эътиборни тортади.

Мазмун кенг тушунча, у ўз ичига журналистнинг танлаган қаҳрамон орқали интервью мақсадини ва унинг амалга ошириш йўллари, хусусиятларини камрайди. Бу хусусиятлар нималарда кўринади? **Биринчидан**, интервью долзарб мавзуларда олиб борилади, **Иккинчидан**, бундай қаҳрамонлар билан қилинган интервьюларда ўзига хос фикрлар ва қўйилмаган саволлар кўп учрайди. **Учинчидан**, интервью жараёнида суҳбатдошнинг (респондент) белгиланган мавзулар юзасидан билим ва дунёқарашлари кенглиги, мавзу доирасидаги муаммони кўра билиш ва маълум маънода унинг ечими бўйича шахсий мулоҳазаларини ошкора қила олишлари унинг ШАХС сифатидаги ўрни ҳақида атрофлича тасаввур беради. Бу интервьюга қаҳрамоннинг ёндашуви жиддийлигидан далолат беради.

“Оила даврасида” газетасида чоп этилган интервьюларнинг турларига қараб қаҳрамонларни, аввало мутахассис сифатидаги ўрни кўпроқ кўзга ташланади. Хўш, нима учун шундай? Чунки биз юқорида кўриб чиққан “Бу - долзарб”, “Аниқ саволга аниқ жавоб”, “Даромад манбаи”, “Саломатлик-гузаллик” рукнларида чоп этган интервьюлар марказида қаҳрамон эмас, балки кўтарилган мавзу, муаммо туради. Қаҳрамонларнинг бевосита мавзуга мос танланганлиги эса, унинг ишончли ва ҳаётий чиқишини таъминлаган. Мисол учун газетанинг 2017 йил 12 октябрь 41-сонидан чоп этилган “Икки йилда икки касб эгаси ёхуд мактаб битирувчиси меҳнат фаолиятига ҳақли...ми?” сарлавҳали интервью Ўзбекистон Республкаси халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов билан уюштирилган. Интервьюда журналист Шаҳноза Раҳимхўжаева аввало киришда мавзунини аниқ кўрсатади. У шундай бошланади:

“Жорий ўқув йилидан бошлаб 300 мингдан ортиқ 9-синф битирувчилари 10-синфда узлуксиз таълимни давом эттирмоқда. Таълим соҳасидаги бу ўзгариш сабаб ота-оналарни қийнаётган кўпга саволларга Ўзбекистон Республкаси халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов жавоб берди.”

Мана шу киришнинг ўзи ўқувчини эътиборини тортади. Чунки биринчидан, у аниқ фактлар билан бошланган, иккинчидан, бу масалага соҳанинг энг масъул мутасаддиси ойдинлик киритади. Интервью қаҳрамони журналист билан мулоқотни ўзида мавжуд ахборотни етказиш билан бошлайди. Шунинг учун журналист берган савол мавзудан келиб чиққан савол тасаввурини беради.

– *Ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти қандай шаклда ва шароитда таъкил этилади?*

Ушбу савол аниқ жавоб беришини тақозо этганлиги боис, қаҳрамон жараёнда қилиниши кўзда тутилган фактларга таянади. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун вазирнинг жавобидан парча келтирамыз.

– *“...Олдимиздаги муҳим масала бу – мажмуаларни жиҳозлаш ва ўқувчилар танлаган касбини амалиётда ҳам пухта ўрганишига эришиши. Ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириши учун қирқдан ортиқ касблар бўйича дастурлар тасдиқланди. Улар асосида ўн саккизта йўналишда устахоналарни жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилди.”*

Журналист қаҳрамонни гапиртириб олиб, тўлиқ мулоқотга киришганига ишонч ҳосил қилгандан кейин умумий саволлардан аниқ саволларга ўтади. Мисол учун:

– *Юқори синфларнинг турли фан ўқитувчилари билан етарлича таъминланганлик даражаси қандай? Ёки,*

– *Айрим мактабларда 10-синф ўқувчилари туфайли хона етишмаяпти экан. Бу муаммога қачон ечим топилади? Ва ҳоказо.*

Кўриниб тургандай интервьюда олиб чиқилган мавзу ва унда иштирок этаётган қаҳрамоннинг берган жавоблари муҳим.

Газетада чоп этилган аксарият интервьюларда саволларнинг тузилишида кўпроқ “Оила даврасида” нашрининг ўзига хос бўлган бир жиҳат бор. У ҳам бўлса саволларнинг жуда қисқа берилишидир. Тўғри, газетадаги интервьюларда назарияда кўриб ўтган саволларнинг барча турлари, яъни очик ва ёпиқ саволлар, тўғридан-тўғри, кутилган-кутилмаган, аниқ, савол

ичидаги савол ёки микдорга оид, гипотезали, хушомадгўй, юкланган, ҳатто шахсий саволларгача учрайди Аммо мураккаб, узун саволларни кузатмадик. Газетанинг 2017 йил 21 декабрь, 51-сонида “Сиз кутган суҳбат” рукнида филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов билан газета мухбири Гўзалой Матёкубованинг “Ўқишдан мақсад – хулоса чиқариш” сарлавҳали интервью чоп этилган. Гарчан суҳбат рукнида бўлса ҳам уни биз суҳбат ҳисобламадик. Чунки бу интервьюда аввало мавзу аниқ ва ундан четга чиқилмаган. Қолаверса, саволлар жуда қисқа. Интервьюдан парча келтирамиз:

“— Одамлар нима сабабдан китобдан узоқлашган, деб ўйлайсиз?”

— Сизнингча, тарғиботни нимадан бошлаш керак?

— Сизнингча, асл китоб қандай бўлади?

Берилган ушбу саволлар жуда қисқа, ўқувчининг эътиборига дарров тушади. Журналист интервьюни шундай усул орқали бошлаши олдинда турган мулоқотнинг нафақат йўналишини, балки унинг салмоғини, савиясини, ўлчовини ҳам кўрсатиб беради. Ушбу интервьюни ўқиган ўқувчи уни анъанавий суҳбатдан кескин фарқ қилишини англайди. Бундай кўринишдаги интервьюларда журналист ҳам, танланган қаҳрамоннинг ҳам бир-бирлари олдида мажбуриятлари йўқдай, интервьюни ўта эркин тарзда олиб борадилар. Шуниси қизиқки, бу интервьюларда балки мавзу олдиндан режалаштирилган, бу ҳақида қаҳрамон огоҳлантирилган ҳам бўлиши мумкин. Аммо интервью концепцияси, унинг динамикасининг қандай кечиши фавқулодда юзага келади. Унда саволларга қаҳрамон шунчаки жавоб бера олмайди. Ҳатто мавзуга тегишли манбаларни бир-бир варақлаб, нимани, қандай гапириш ҳақида режа тузиб келган суҳбатдош ҳам юқоридагидай фикрлардан кейин берилган саволлар олдида бир оз тараддудланиб қолади. Яна шу интервьюга мурожаат этамиз:

“— “Болалар китоб ўқимаяпти”, деб фақат уларни айблашга ўрганиб қолгадекмиз. Нима деб ўйлайсиз, балки адабиёт ўқитувчиларига болаларни китобхонликка ўргатиш санъати етишмаётгандир?”

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳатто баъзи қаҳрамонларнинг нафақат билими, дунёқараши, ўзининг жамият аъзоси сифатидаги принциплари, оддий инсон сифатидаги жайдари қарашларигача акс этади. Биргина филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов билан журналист Гўзалой Матёкубовани интервьюсини солиштирадиган бўлсак, битта қаҳрамоннинг иккита ракурса китобхонлик масаласига, адабиётшунос олим ва адиб сифатидаги қарашларнинг ўзига хослигини кузатиш мумкин.

Ушбу фаслга хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Оила ва жамият” ҳамда “Оила даврасида” газеталарида чоп этилган интервьюларда турли ёшдаги, соҳадаги, тоифадаги, дунёқараши, билим даражаси ҳар хил қаҳрамонлар учрайди. Энг муҳими, интервью олишда мавзу ва қаҳрамон тасодифан учрамайди. Шу боис бирор бир интервью шунчаки ўтказилмайди. Уларнинг ҳар бирида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий, маънавий-маърифий жараёнларига оид муҳим масалалар муҳокама қилинади. Шу орқали ҳаёт ҳақиқатига ойдинлик киритилади.

2.3. Интервьюнинг жонли ва таъсирчанлигида тил ва услуб имкониятлари.

Биз юқоридаги фаслларда интервьюнинг самарали чиқишида интервьюнинг турлари, журналист ҳамда интервью берувчининг имкониятлари, улар томонидан интервьюга тайёргарлик жараёнлари, савол-жавоб қонуниятлари, шунингдек, интервьюни амалга оширишда объектнинг танланиши, қаҳрамон шахсининг етакчи хусусиятлари, уни очиқ беришда ва шу орқали ўқувчига янги маълумот етказишда журналист имкониятларига тўхталиб ўтдик. Аммо юқорида қайд этилган жиҳатларга жиддий амал қилинса, интервью тайёр бўлар экан, деган хулосага келишимизга ҳали вақт бор.

Мулоқот қонуниятлари ҳақида гап кетар экан, одатда интервьюда кўпроқ унинг фақат ташкилий жиҳатларига жиддий аҳамият берилади.

Мавзу танлаш, унинг концепциясини ишлаб чиқиш, қаҳрамон топиш, саволларни тузиш, суҳбатлашишга жой, шароит яратиш ва ҳ.з. Мана шу жараёнлар амалга оширилгандан кейин интервью тайёр бўладими? Йўқ албатта, интервью тайёрлашнинг энг машаққатли жараёни энди бошланади. Яъни, интервью матнини ёзиш, у қаҳрамон билан суҳбатлашишдан кўра, савол тузишдан ҳам кўра қийинроқ.

Радио ёки телевидениеда берилган интервьюлар, мулоқотларда воқелик аудитория кўз ўнгида, унинг иштирокида содир бўлганлиги учун журналист ҳам, қаҳрамон ҳам буни назорат сифатида қабул қилади ва шу масъулиятини ҳис этади. Масъулият эса доим ўзларига нисбатан, гапиришда, ҳис-хаяжонни ифода этишда маромни сақлаб туришга ундайди. Аммо газетада чоп этиладиган интервьюда аудитория иштирок этмайди. Бу ўринда журналист интервью қаҳрамони билан нафақат журналист сифатида, балки аудитория вакили сифатида мулоқотга киришади. Саволлар аудиториянинг ҳам кўнглидан ўтган саволлар бўлиши, бир сўз билан айтганда умумхarakterга эга бўлиши зарур.

Газетада чоп этилган қизиқарли интервью, кўпинча аслида шундай бўлган деган тасаввурни беради. Аммо одатда ҳамма интервью ҳам жараёнда қизиқ кечавермайди. Баъзилари ўта зерикарли, баъзилари узундан-узоқ ёки жуда қисқа, баъзилари қовушмаган, маънисиз бўлиши ҳам мумкин. Журналист ана шу турли вазиятдаги, кайфиятдаги интервьюни қандай бўлса шундай берса, унинг мазмунига, қаҳрамоннинг мутахассис сифатидаги мавқеёига путур етиши мумкин, қолаверса интервью олувчи журналистнинг касбий маҳоратини ҳам шубҳа остида қолдириш мумкин. Бу билан интервьюда бошқа гап гапирилади, ёзишда бошқа нарсa ёзилади, деган фикрга бормаслик зарур. Газета ва журналларда чоп этиладиган интервью аудиторияга қандай таъсир кўрсатиши журналист томонидан тайёрланган интервью матнига, унинг тил имкониятларидан фойдаланишига, ўзига хос услубга эга бўлишига, маҳорат масалаларига боғлиқдир. Шу нуқати назардан

интервью ёзиш энг машаққатли жараён бўлиб, уни образли қилиб “сувни ғалвирдан ўтказиш” деб изоҳлаш мумкин.

“Оила ва жамият” газетасидаги интервьюларни таҳлил қилар эканмиз, аввало бир муҳим жиҳатни таъкидлашни хоҳлар эдик, у ҳам бўлса газетанинг ушбу масалада ўз услуби борлигидир. Шу билан бирга бошқа босма нашрларга қараганда имло хатоларининг кам учрашидир. Биз буни юқоридаги фаслларда интервьюдаги саволларнинг фикр билан боғланиши мисолида кўриб ўтган эдик.

Одатда амалий журналистикада, аниқроғи газеталарда чоп этилган интервьюларда журналист ўқувчига таъсир этиши учун қизиқарли саволларга ва жавобларга катта эътибор қаратади. “Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталарда ҳам бундай ҳолат мавжуд. Энг яхши таъсир қилиш усули интервью қаҳрамонинг аниқ танланиши, унинг холис ахборот бериши, айрим интервью турларидай аниқ саволга аниқ жавоб бериш устивордай, назаримизда. Чунки аксарият интервьюларда асосий масала кўтарилган мавзу ва иштирокчиларининг у билан боғлиқ қарашлари орасидаги мувозанатнинг бир-бирига мос келиши ифодасига қаратилади. Ҳар икки газетада чоп этилган интервьюлар ичида турли савияда ёзилганларини учратиш мумкин. Масалан, “Оила ва жамият” газетасида кўп йиллик касбий тажриба ва маҳоратига эга Н.Раҳмонова, У. Адизова, “Оила даврасида” газетасида Ж.Кенгбоев, Б.Матқурбонов, Г. Матёкубова сингари журналистлар томонидан уюштирилган интервью жонли, янги фактларга бой бўлиши билан бирга, интервью қаҳрамонининг тийнатиши, дунёқарашини, ички маданиятини очиқ берилган. Шу билан бирга тасодиф интервью уюштирган муаллифлар ҳам учрайди. Масалан, “Оила ва жамият” газетасида Озода Бекмуродованинг биз олдинги фаслларда таҳлил қилган Ўзбекистон халқ бахшиси билан қилган интервьюси фикримизга мисол бўла олади.

Шунингдек, газеталарда бошловчи журналистларнинг интервьюларига ҳам кенг ўрни берилганини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Масалан, “Оила даврасида” газетасида Н.Аҳадова, О.Валиева сингари бу соҳага

эндигина кириб келаётган бошловчи журналистларнинг жуда кўп интервьюлари чоп этилган. Газетанинг биз таҳлилга тортган сонларида айниқса, Н.Аҳадованинг (деярли ҳар бир сонда) тадбиркорлар билан қисқа савол ва жавобдан иборат диалог интервьюлари, О.Валиеванинг эса асосан санъаткорлар билан қилган суҳбат-интервьюлари чоп этилган. Шунинг учун ҳали уларнинг барча интервьюларини ҳам маромига етган деб бўлмайди. Турли қаҳрамонлар билан қилинган интервьюларда бир-бирига ўхшаш саволларнинг кўп берилишини, мантиқсиз, нотўғри саволлар берилишини кузатдик. Мисолларга мурожаат этамиз.

Ўзбекистон хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов билан Озода Валиева томонидан уюштирилган “Улар кинода ўйнашса, мен самолёт ҳайдайман” сарлавҳа суҳбат-интервьюдаги савол-жавобга эътибор қаратамиз:

“—...Меҳриддин ака, театр саҳнасидаги жиддий ролларингизга ҳаётдаги жиддий инсонлигингиз сабабми?(мантиқсиз савол)

—Балки. Театрдаги ижодим 1995 йил санъат олийгоҳида ўқув юрган вақтлар бошланган. “Қатагон” спектаклдаги образ менинг биринчи ролим эди. Йигирма уч йил бўляпти шу даргоҳдаман. Балки, чиндан ҳам ташқи кўринишимнинг жиддийлик касб этиши театрдаги тақдиримни белгилаб бергандир?! Нима бўлганда ҳам мен бу тақдирдан розиман.

*—Баъзи актёрлар бор - театр актёри, баъзилари— кино актёрлари. Икки саҳнани баробар эплайдиганлар ҳам кўп. Бу ҳақида нима дейсиз?
(нотўғри савол. Журналист театр ва кино актёрларини бирга ўқитилишини билмайди)*

—Биз институтни тугатганимизда “Драма ва кино актёри” деган диплом берилган. Демак, иккисини ҳам эплашимиз керак.Лекин ҳамма ўз ҳолатидан келиб чиқиб ижод қилади. Мен болалагимдан театр ва кинони бирдай орзу қилганман.

*—Хусусий киноларни жуда кўп танқид қилишади. Баъзи актёрлар уни оқласа, баъзилари, аксинча...Сиз қандай фикрдасиз бу борада?**(нотўғри савол. Хусусий кино бўлмайди, киностурдия бўлади)***

—Имкноият бўлганда, хусусий киностудияларнинг саноқлиларини қолдириш керак, деган бўлардим. Хусусий кино деб, ҳамма ҳам кино олавериши шарт эмас. Кинонинг рейтинги пасайиб кетади. Агар ҳаммага кино олишга рухсат берилса, биз бошқа иш қидиришимиз керак...”³¹

Ушбу интервьюдан парча келтириш орқали журналист ва респондент ўртасида кечган мулоқотининг ижтимоий юкини аудиторияга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш эди. Саволларнинг оддий ва қисқа бўлганлиги, ўқувчига тушуниши учун осонлик яратади ва шу қисқаликнинг ўзиёқ эътиборни тортади. Аммо унинг юқоридаги интервьюсида саволлар оддий ва қисқа бўлгани билан нотўғри тузилганлиги боис қаҳрамонининг ички оламини, ҳеч ким илғамаган қирраларини очиб бера олмаган. Биз савол билан бирга жавобни ҳам бекорга келтирмадик. Чунки интервью қаҳрамонининг жавобларида энсаси қотиб, истамайгина жавоб берганлиги яққол сезилган. Шунга қарамай бу бошловчи журналист нуқсонларини енгиб кетувчи муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, улар жуда ҳаракатчанлиги ва кўп ёзувчанлигидир. О.Валиевада такрорлар, нотўғри саволлар кўп учрайди, аммо у одатий қаҳрамонидан ноодатийликни қидиради. Масалан, унинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов билан қилган “Санъат боғида ўз гулим бор”³² ёки Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова билан қилган “Сабр қиламан, кетса ҳам...”³³ сарлавҳали интервьюлари жуда ўқишли чиққан. Қолаверса, биз юқорида “Брикетлар кимларга тақилмайди?” сарлавҳали интервьюсини таҳлилга тортганимизда унинг позициясини тушуниб етгандик. Бу билан биз уларнинг интервьюларини яхши-ёмонга ажратмоқчи эмасмиз. Гап бу интервьюларнинг ўқувчи томонидан қандай қабул қилинишидадир.

Газеталар ичида “Оила даврасида” нашрида интервьюларнинг кўп берилишини яна бир бор таъкидлашни истар эдик. Бу газетада баъзан битта сонида 4-5тагача турли шаклдаги интервьюларни учратиш мумкин. Ҳатто

³¹ “Оида даврасида” 24.08.2017. № 34

³² “Оида даврасида”. 19.10.2017. № 42

³³ “Оида даврасида”. 7.12.2017. № 49

бунинг учун газетада махсус рукнлар ташкил қилинганига биз аввалги фаслларда батафсил тўхталган эдик.

Интервьюнинг таъсирчанлигини ошириш учун журналист жуда кўп усуллардан фойдаланади. Бу саволлардан фойдаланишда журналист тактикасида ҳам кўринади. Мисол учун Умида Адизова (“Оила ва жамият” газетаси) Жасур Кенгбоев, Болтабой Матқурбонов, (“Оила даврасида” газетаси) сингари муаллифларнинг интервьюларида саволларда маърифийлик хусусияти устивор бўлиб, савол беришда турли рамзлар, иқтибослар, манбаларга таянилади. Шу билан бирга савол бериш орқали журналист ўзини қийнаб юрган фикр ёки ўзиги иккилантирган масалага ойдинлик киритиб олса, Нигора Раҳмонова, Шаҳноза Раҳимхўжаева, Гўзалой Матёкубовалар томонидан берган саволлардан реал воқелик билан ҳисоблашиши, ўртага ташланган муаммо атрофидаги мулоҳазалар ҳам шу маконда, шу шахсга алоқадор бўлган масалалар атрофида кечади. Уларнинг суҳбатлари жонлилиги билан ўқувчига кучли таъсир этади ва хотирасида сақланиб қолади.

Биз таҳлилга тортган газеталарда чоп этилган интервьюларнинг тили ифодаси ҳам ўзига хос. Гарчанд интервью оддий, норасмий вазиятда ўтган бўлса ҳам, уни тақдим этилиши биринчи галда адабий тил меъёрлари талабларига амал қилинади. Айниқса, бунга “Оила ва жамият” газетаси қатъий амал қилади. Интервьюларда бадиий тил унсурларидан кенг фойдаланилади.

Энг муҳими, буларнинг кўпчилиги қаҳрамонларнинг тилида қандай ифода этилса, шундайлигича берилади. Қаҳрамоннинг саволга берган ана шу ўзига хос жавоби унинг объективлигини, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати орқали фуқаролик позициясини ва энг муҳими, қаҳрамонни англашга, кашф этишга ёрдам беради.

Ҳамма интервьюларга хос расмийчилик, анъанавийлик ҳар икки газетада ҳам учрайди. “Оила даврасида” газетасида чоп этилган Жасур Кенгбоевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Дин ишлар бўйича кўмита раиси ўринбосари Ўткир Ҳасанбоев билан қилган “Бош берилган ёшлар калби экстремистик қармоқларга ўлжа бўлмасин”³⁴ сарлавҳали суҳбат-интервьюни бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Интервью аввалида саволларга берилган жавоблар расмийчиликка, баланпарвозликка асосланган бўлса, журналистнинг маҳорати туфайли, унга фоалияти, қарашларига дахлдор бўлган бевосита саволларни бериш орқали реалликка, ўзи яшаб турган жамиятдаги масалаларга секин-аста ўтиш орқали интервьюни ҳам табиий равишда жонлантириб борган. Сидда фикрлар тўкнашуви, эътирозлар ва эътирофлар оқибатида журналист ва унинг қаҳрамони ўртасида фикрий яқинлик юзага келади. Бунга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. У одатдагй бир хил қолипдаги интервьюлар қаторида бўлиб қолаверади. Шундай интервьюлар ҳар иккала газетада ҳам учрайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, интервью қонуниятига кўра журналист қаҳрамоннинг қандай савол кутишини ёки қандай жавоб беришини исташини билиш билан бирга, ўзи ҳам суҳбатдошидан нима истайди, қандай тарзда жавоб беришини аниқ билиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Бобга хулоса қилиш асносида интервьюнинг самарали чиқиши журналистика назариясида қабул қилинган интервью қонуниятларига кўп жиҳатдан боғлиқлини кўриб ўтдик.

“Оила ва жамият” ҳамда “Оила даврасида” газеталарида чоп этилган итневьюларда асосан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий маданий маърифий мавзулардаги масалалар кўтарилади. Бу жараёнида ҳар иккала томон, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашади, аудиторияга ахборот етказади. Бу ўринда гарчанд интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушишини мисоллар орқали аниқладик. Шунингдек, интервью қаҳрамонларига нисбатан журналист имкониятларининг ортиқлиги савол беришида кўзга ташланади. Саволнинг пухта ўйланган, салмоқли, ўринли эканлиги интервью қаҳрамонини гапиришга, саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда

³⁴ “Оила даврасида” 17.08.2017. №33.

журналистнинг интервьюни бошқарувчи сифатидаги вазифасини тўлиб бажаришга имкон яратади. Зеро, интервьюнинг мазмунли чиқиши кўп жихатдан журналистнинг бошқарув пультини қандай тутганига боғлиқ. Шунингдек, “Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталарида чоп этилган интервьюларнинг қаҳрамонлари турли тоифадаги кишилар. Уларнинг ичида оддий фермердан тортиб, олим, давлат ва фан арбоблари, санъаткорларгача бор. Уларнинг ҳар бирини жамиятда ўз ўрни, жамоатчилик орасида эътирофи, муайян ҳаётий позицияси бор. Бундан ташқари, “Оила даврасида” газетасида турли мутасадди раҳбарлар билан қилинган интервьюлар кўп учрайди. Бу аввало интервью ўзининг жанри хусусиятидан келиб чиқиб, жамиятда турли соҳалар билан боғлиқ янгиликларни етказишидан, муаммоларга ойдинлик киритишидан, оммани муайян масалалар бўйича хабардор қилишдан далолат беради. Шу боисдан бирор бир интервью шунчаки ўтказилмайди. Уларнинг ҳар бирида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий, маънавий-маърифий жараёнларига оид муҳим масалалар муҳокама қилинади. Шу орқали ҳаёт ҳақиқатига ойдинлик киритилади. Шунингдек, интервьюни ёзиш жараёнида тил ва услуб, маҳорат масалалари ҳам унинг мазмунли чиқишини таъминлайди.

ХУЛОСА

Ҳозирги тезкор даврда оммавий ахборот воситаларида журналистик материаллар ичида ахборий жанрларнинг етакчилик қилиши ахборотга бўлган талабнинг жуда юқори эканлигидан далолат беради. Бунда, айниқса, ахборот жанрларининг муҳим тури бўлган интервьюга бўлган эҳтиёжнинг ортган ўринда Журналистнинг муайян мақсадда, аниқ бир мавзуга бағишланган интервью жанри орқали маълумотларни олишда, жамиятдаги турли хил масалаларга ойдинлик киритишда, ҳаёт ҳақиқатини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг етакчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашрларидан ҳисобланган “Оила ва жамият” ҳамда “Оила даврасида” газеталарининг 2017-2018 йилларда чоп этилган интервьюларни ўрганиш, 50дан ортиқ интервьюни бевосита таҳлил қилиш асносида бу жанрнинг коммуникатив имкониятлари кенглиги ва унинг журналистик асар сифатида ўз қонуниятлари, талаблар борлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур интервьюларда мавзу, қаҳрамон танлашдан тортиб, жараёнга турли йўллар ва усуллар орқали тайёргарлик кўриш унинг самарали чиқишини таъминлашга хизмат қилган. Таҳлиллар натижасида газеталарда чоп этилган интервьюлар юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, “Оила ва жамият” ҳамда “Оила даврасида” интервьюларни чоп этишда ўзига хосликлар мавжуд. Бу айниқса интервью турларида кўзга ташланади. Шаклига кўра “Оила ва жамият” газетасида кўпроқ монолог, диалог, суҳбат-интервьюлар берилган бўлса, “Оила даврасида” газетасида эксклюзив, сўров, муаммоли интервьюларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Ҳатто бу газетада “Бу- долзарб”, “Аниқ саволга аниқ жавоб”, “Даромад манбаи”, “Саломатлик гўзаллик” деган рукнларда интервьюлар мунтазам чоп этилган.

Иккинчидан, ҳар икки нашрда чоп этилган интервьюлар асосан долзарб масалаларга бағишланади. Фақат “Оила ва жамият” газетасида жамиятдаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий мавзулар етакчилик қилса, “Оила даврасида” газетасида иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий, табиркорлик мавзуларига ҳам кенг ўрин берилган. Айниқса, мазкур газетанинг ўн олти саҳифада чоп этилиши унинг имконияти “Оила ва жамият” газетасига нибстан ортиқроқ эканлигидан далолат беради.

Учинчидан, “Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газетасидаги интервьюларнинг қаҳрамонлари жамият аъзолари, турли соҳа вакиллари. Уларнинг орасида фермердан тортиб, вазиргача бор. Шу билан бирга “Оила даврасида” газетасида жамиятнинг долзарб масалалари бўйича мутасадди раҳбарлар билан қилинган интервьюларга кенг ўрин берилган.

Тўртинчидан, газеталарда ташкил қилинган ҳамма интервьюлар малакали мутахассислар томонидан амалга оширилган. Шу билан бирга тажрибасиз журналистлар томонидан уюштирилган интервьюларда сезиларли фарқлар кўзга ташланади.

Бешинчидан, аксарият интервьюларда қаҳрамон кенг ва атрофлича ўрганилган. Журналистларнинг интервьюга тайёргарлик кўрганлиги сезилади. Саволнинг пухта ўйланганлиги, салмоқли, ўринли эканлиги қаҳрамонни саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда журналистнинг суҳбатни бошқарувчи сифатидаги функциясини тўлиб бажаришга имкон яратган.

Олтинчидан, интервьюларда журналист ва қаҳрамон орасида интерактивлик мавжуд. Бу жараёнида ҳар иккала томон, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашган, аудиторияга ахборот етказган. Аммо таҳлилга тортилган ҳамма интервьюлар ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Айрим интервьюларда журналист жуда жўн саволлар, баъзан мавҳум ёки мантиқсиз саволлар берган, айримларида қаҳрамонининг фикрларини маъқуллашдан нарига ўтолмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Агар интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушади.

Еттинчидан, ҳар иккала нашрда ҳам тил имкониятлари, таҳрир масалаларига жиддий эътибор берилади. Материалларда деярли имло хатолари учрамайди.

“Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталарида чоп этилган интервьюларни тадқиқ этиш ва олиб борилган муайян таҳлиллар қуйидаги таклифларни ўртага ташлашни тақозо этади:

- Газеталарда чоп этилган интервьюларнинг янада жонли чиқишига эътиборни кучайтириш зарур;

- “Оила ва жамият” газетасининг мавзулари доирасини кенгайтириш керак;

- Интервьюда фотоматериаллардан фойдаланиш унинг янада жонли чиқишини таъминлайди;

- Интервью мавзулари ва қаҳрамонлари ишлаб чиқилган режага қараб эмас, жамиятдаги долзарб масалалар ва уларни яхши тушуна оладиган мутахассиларни кўпроқ таклиф қилиш лозим.

- Саволларга қисқа ва аниқликни олиб кириш, айрим саволларда мавҳумлик ҳолатлари учрайди, бу табиий равишда суҳбатдошга қийинчилик туғдиради;

- Интервью жараёнида имкон қадар шаблон саволлардан қочиш зарур;

- Газеталар, айниқса “Оила ва жамият” газетасида интервью жанрига кенгроқ ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айрим сонларда интервью умуман учрамайди.

Мавзуни ўрганиш ва таҳлиллар жараёнида интервью жанрининг имкониятлари кенглиги ва бугунги кунда улардан фойдаланишнинг усул ва воситалари борган сари ривожланаётганини аниқладик. Шу билан бирга “Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталарида интервью жанрининг коммуникатив имкониятлари бошқа нашрларга қараганда нисбатан кўплиги ва чуқур мазмунга эгалиги билан ажралиб туриши, унинг ўқувчилар орасида нуфузи, мавқени белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга интерактив-коммуникатив мулоқотнинг асосий талаби суҳбатдош билан тўғридан-тўғри, бевосита мулоқотга киришиш орқали аудиторияга ахборот, янгилик етказишни назарда тутиши асосий қоида сифатида белгиланганига қарамасдан, ўзаро коммуникациянинг самарали ташкил этилишида фикрий яқинлик, мавзуга, муаммога ойдинлик киритишда томонларнинг шахсий фаоллиги ҳам катта рол ўйнайди.

“Оила ва жамият” ва “Оила даврасида” газеталардаги чоп этилган интервьюларда коммуникатив жараёнлар ҳам ана шу мезонларга асосланишни кўрсатиш орқали интервью жанрининг матбуотда ўрни ва ривожланиш динамикасига ҳисса бўлиб қўшилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий адабиётлар

1.1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Тошкент. 2017.6-сон.

1.2. Мирзиёев Ш. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги //Халқ сўзи, 2017 йил, 27 июнь.

1.3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоиласи бўлиши керак. — Т.: Ўзбекистон. 2017. Б.107.

II. Меъёрий адабиётлар

2.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2016. Б.29.

2.2.Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. -Т.: Меҳнат, 2003. -352 б.

2.3.“Журналист фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. Т.: Адолат, 2007. Б.3.

2.4.“ОАВ тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 15.10.2007/ЎРҚ-78.

III. Асосий адабиётлар

3.1. Бахтин М.М. Проблема творчества Достоевского. М., 1994. С.160.

- 3.2. Ворошилов В. Журналистика. (Учеб.) Санкт-Петербург. –Изд-ва Михайлова В.А. – 1999.
- 3.3. Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001.
- 3.4. Кузин В. Психологическая культура журналиста. Уч. пособие. СПб., 2001.
- 3.5. Кузнецов М., Цыкунов И. Психология PR и журналистики. Как позволить другим делать по-вашему. Учебно-практическое пособие. М.: РИП-холдинг. 2002.
- 3.6. Лассуэл Г. Структура и функции коммуникации в обществе. М., 2000.
- 3.7. Леонтьев А.А. Психология общения. – М.: Мысль, 1999.
- 3.8. Лукина М.М. Технология работа с интервью. – Москва., 2003.
- 3.9. Мельник Г.С. Общение в журналистике: секреты мастерства. СПб., 2006.
- 3.10. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. -СПб.: Питер, 2006. –272 с.
- 3.11. Науменко Т. Массовое сознание и журналистика// Credo. 2000. № 3.
- 3.12. Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания. – М., 1996.
- 3.13. Олешко В. Журналистика – как творчество. – Москва., 2003.
- 3.14. Проблемы медиапсихологии. (Сборник мат.) – Москва., 2002.
- 3.15. Пронина Е. Психология журналистского творчества. - Москва. 2002.
- 3.16. Рощин С.К. Психология и журналистика. – Москва.: Наука, 1989.
- 3.17. Рэндалл Д. Унверсальный журналист. – Алматы. Центральноазиатская Школа Молодых Журналистов. – 1996.
- 3.18. Сагал Г. Двадцат пять интервью: как работают журналисты. – Москва. 2004.
- 3.19. Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Тошкент., Гафур Гулом номидаги нашриёт –матбаа уйи. 2008.

- 3.20. Сосновская А.М. Журналист: личность и профессионал (психология идентичности). – СПб.: Роза мира, 2005. 206 с.
- 3.21. Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. – Тошкент. 2013.
- 3.22. Харрис Р. Психология массовых коммуникаций. - СПб. 2001
- 3.23. Чумиков А.Н. Связи с общественностью. – Москва. 2000, 154 с.
- 3.24. Шостак М.И. Журналист и его произведение . – Москва. 1998.
- 3.25. Шостак М. “Роли” и “маски” репортера // Журналист. 1998. № 11/12.
- 3.26. “Оила ва жамият” газетасининг 2017-2018 йил тахламлари.
- 3.27. “Оила даврасида” газетасининг 2017-2018 йил тахламлари.
- 3.28. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. — Самарқанд, 2005.
- 3.29. Гудок Д. Б. Прецедентные феномены в текстах политического дискурса / Язык средств массовой информации: Учебное пособие для вузов / Под.ред. М. Н. Володиной. — М.: Академический проект, 2008.
- 3.30. Тошмухамедова Л. Оммавий мулоқотнинг матний-услугий ўзига хослиги. Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва тахрир масалалари. — Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2013.